

Б.Т. САЛИМОВ, Б.Б. САЛИМОВ

**КИЧИК САНОАТ
ЗОНАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ
ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Б.Т. САЛИМОВ, Б.Б. САЛИМОВ

**Кичик саноат зоналарини барпо этиш
ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий
асосларини такомиллаштириш**

ТОШКЕНТ - 2020

685(575.1)

65.30

C 26

Салимов, Б.Т.

Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш [Матн] : монография / Б.Т. Салимов, Б.Б. Салимов. – Тошкент : Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, 2020. - 137 б.

ISBN 978-9943-6491-4-9

Монографияда кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг назарий асослари, уларнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни, ахамияти, ҳозирги ҳолати, ривожланишига таъсир этувчи омиллар, тамойиллар ва зоналарнинг самарадорлигини баҳолашнинг мониторинг кўрсаткичлари ўрганилган. Тадбиркорлик субъектларини кичик саноат зоналарига танлов асосида жойлаштиришнинг ижтимоий, иқтисодий ва экологик мезонлари, кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг концептуал модели, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасини интеграл баҳолаш ва шу асосда кичик саноат зоналарини турларга ажратиш ҳамда ривожланиш йўналишларини белгилаш, Ўзбекистонда гринфилд кичик саноат зоналарини барпо этишда давлат-хусусий шериклигидан фойдаланиш масалалари, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси асосида кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг давлат томонидан моддий қўллаб-қувватлаш механизмлари ёритилган. Шунингдек, унда Ўзбекистон шароитида кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

УДК: 685(575.1)

КБК 65.30

Масъул муҳаррир:

И.ф.д., проф. А.У. Бурханов

Такризчилар:

Беркинов Б. – ТДИУ, “Макроиқтисодиёт” кафедраси профессори, и.ф.д. **Хотамов И.С.** – ТДИУ, “Саноат иқтисодиёти” кафедраси муdiri, доцент, и.ф.н.

ISBN 978-9943-6491-4-9

© Б.Т. Салимов, Б.Б. Салимов, 2020 йил

© “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	4
1-боб.	КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ	9
1.1.	Кичик саноат зоналарининг хусусият ва вазифалари.....	9
1.2.	Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг назарий асослари.....	24
1.3.	Индустриал паркларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг хориж тажрибаси.....	35
	Биринчи боб бўйича хулоса.....	48
2-боб.	КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА ҲОЗИРГИ ХОЛАТИ ТАҲЛИЛИ	50
2.1.	Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантириш омиллари.....	50
2.2.	Республикада кичик саноат зоналарининг ҳозирги ҳолати таҳлили.....	58
2.3.	Кичик саноат зоналарининг самарадорлик мониторинг инструментларини ишлаб чиқиш.....	75
	Иккинчи боб бўйича хулоса.....	85
3-боб.	КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ МОДЕЛИ	88
3.1.	Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантириш тамойиллари.....	88
3.2.	Худудларнинг ривожланганлик даражасига кўра кичик саноат зоналарини турларга ажратиш ва ривожланиш йўналишларини белгилаш.....	96
3.3.	Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг концептуал модели.....	133
	Учинчи боб бўйича хулоса.....	140
	ХУЛОСА	142
	ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	144

КИРИШ

Ривожланган хорижий давлатларда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва саноатнинг технологик ривожланиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг муҳим механизмларидан бири индустриал парклар, технополислар ва саноат зоналари ҳисобланади. Ҳозирги кунда АҚШ ва Хитойда 400 тадан, Германияда 200 та, Туркияда 262 та, Вьетнамда 200 га яқин индустриал парклар фаолият юритмоқда¹. Мазкур зоналар ишлаб чиқаришнинг замонавий технологик базасини шакллантириш, ишлаб чиқариш жараёнларига инновацияларни жорий этиш ҳамда илм-фан сиғими юқори маҳсулотлар яратиш ва хизмат кўрсатишни таъминлашда асос ролини ўйнамоқда.

Жаҳон мамлакатларида кам ривожланган ва иқтисодий жиҳатдан тараққий этмаган ҳудудларда индустриал парклар, технополислар ва саноат зоналарини ташкил этиш орқали ривожлантириш, бу орқали иқтисодий салоҳият ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги саноат кооперациясини чуқурлаштириш, кичик саноат зоналари жойлашган ҳудудлардаги инвестицион жозибадорликни ошириш, шу асосда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда аҳоли бандлигини ошириш масалаларининг илмий тадқиқотига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, кичик саноат зоналарини барпо этишда инновацион ёндашувлар, замонавий тараққиёт тамойиллари ва тенденцияларини тўлиқ камраб олувчи концептуал моделларни ишлаб чиқиш, мазкур жараёнлардан давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим дастаги сифатида фойдаланиш муаммолари бу борадаги илмий тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга муҳим ҳисса қўшувчи кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, бу борада “миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш,

¹ Смольянинова Т.Ю. Индустриальные парки в региональной экономике: механизм создания, перспективы развития. Автореферат диссертации. – Воронеж, 2015.

махаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, юкори технологияли қайта ишлаш тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш, ҳудудларнинг мавжуд саноат салоҳиятидан самарали фойдаланиш”² вазифалари белгилаб берилган. Ҳозирда мазкур вазифаларни самарали амалга ошириш орқали давлатнинг саноат сиёсатини ҳаётга тадбиқ этиш, кичик саноат зоналари жойлашган ҳудудларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, ҳудудлардаги фойдаланилмаётган хомашё, меҳнат ва молия ресурсларини ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш, корхоналар ўртасида кооперацион алоқаларни кучайтириш натижасида синергетик самарага эришишга ҳаракат қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4749-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2014 йил 3 июлдаги ПҚ-2200-сон “Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 192-сон “Зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли ташкилотларнинг фойдаланилмаётган ҳудудларини ҳамда ортиқча ишлаб чиқариш майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2014 йил 31 декабрдаги 378-сон “Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар мазкур монографияда маълум даражада ўз аксини топган.

Хорижий мамлакатларда индустриал зоналарни барпо этиш ва ривожлантириш Ўзбекистонда барпо этилаётган кичик саноат зоналаридан тубдан фарқ қилади. Лекин уларни барпо этиш ва ривожлантириш тажрибасининг айрим жиҳатларини Ўзбекистон шароитига мослаштирган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Индустриал зоналарни барпо этиш ва ривожлантириш мавзуси бўйича О.А.Ахмадеева, О.В.Любова, О.Н.Беленов,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони. – www.lex.uz.

Т.Ю.Смолянинова, Ю.В.Шурчкова, М.И.Беркович,
Н.И.Антипина, А.М.Фридман, В.М.Семенов, Н.В.Василенкова,
О.А.Егорова, С.Н.Кузнецова, В.П.Кузнецов, Е.Б.Ленчук³ каби
хорижий олимлар илмий тадқиқот олиб борганлар.

Ўзбекистонлик иктисодчи олимлардан Ё.Абдуллаев,
И.А.Бакиева, С.С.Фуломов, Ш.Х.Баева, У.В.Гафуров, Б.Ю.Ходиев,
Г.К.Яхшибоев, Р.Юлдашев, А.У.Бурханов, Т.З.Тешабоев ҳам
мазкур муаммога боғлиқ мавзуларда илмий тадқиқотларни амалга
оширганлар⁴.

³ Ахмадеева О. А., Любова О. В. Индустриальные парки как основа развития регионов на примере Чистопольского муниципального района Республики Татарстан. // Стратегия устойчивого развития регионов России, 2013. № 18. С. 8-20.; Беленов О.Н., Смолянинова Т.Ю., Шурчкова Ю.В. Индустриальные парки: сущность и основные характеристики. // Региональная экономика и управление. Электронный научный журнал. 2013. № 1 (33). С. 66.; Беркович М. И., Антипина Н. И. Особенности и классификация индустриальных парков: региональный аспект // Вестник Костромского государственного технологического университета. 2013. № 1 (3). С. 25-28.; Егорова А.О., Кузнецова С.Н. Промышленные парки как платформа для развития человеческого и финансового капитала. // Научное обозрение. 2016. № 18. С. 138-141.; Кузнецов В.П., Кузнецова С.Н., Лапачев Д.Н. Теоретические аспекты развития организационно-экономического механизма формирования промышленных парков. – Казань, изд-во Познание Института экономики, управления и права, 2014. 148 с.; Кузнецова С.Н. Развитие организационно-экономического механизма формирования промышленных парков: автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Ивановский государственный университет. – Иваново, 2013. 24 с.; Кузнецова С.Н., Кузнецов В.П. Методика оценки интегральной эффективности инвестиционных проектов в рамках промышленных парков: монография / Мининский университет. Нижний Новгород. 2015. 200 с.; Ленчук Е.Б. Формирование институциональной среды промышленного развития в контексте задач импортозамещения. // Вестник Института экономики РАН, 2014. № 6. С. 7-21.; Porter M. E. On competition. Cambridge. MA: A Harvard Business Review Book. 1998.

⁴ Абдуллаев Е., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: Мехнат, 2010 йил 349 бет.; Абдуллаев Е., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: Иктисод-молия, 208-339 бет.; Бакиева И.А. Ўзбекистон энгил саноатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш. Диссертация... икт. фан. номзоди. – Т., 2012 й.; Фуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: Шарк, 2002.-183б.; Баева Ш.Х. Тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш методологиясини такомиллаштириш. Монография. – Т.: IQTISODIYOT, 2015.-120 б.; Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишни иктисодий механизмларини такомиллаштириш. Монография. – Тошкент: Молия, 2016 йил. 208 б.; Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иктисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш. Диссертация...икт. фан.доктори. – Т.: ТДИУ, 2000 йил. 338 бет.; Яхшибоев Г.К. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлаш масалалари. Номзод. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси, 2005.; Юлдашев Р. Кичик саноат зоналари иктисодий таракқиёт ва халқ турмуш фаровонлигининг муҳим воситасидир. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №4, 2017 й. август.; Бурханов А.У.

Ўқорида қайд этилган хорижий олимларнинг асарларида Россия шароитида индустриал парклар ва саноат зоналарини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий механизмлари ва уларнинг назарий жиҳатларини ривожлантириш масалалари ўрганилган. Жумладан, С.Н.Кузнецова ва В.П.Кузнецовнинг ишларида саноат зоналарини барпо этишнинг ташкилий-иктисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари ўрганилган. М.И.Беркович, Н.И.Антипинанинг ишларида индустриал паркларнинг мулкый шакли, тармоқ ишлаб чиқариши ва бошқа омилларга кўра таснифлаш масалалари ва уларнинг хусусиятлари таҳлил қилинган. Индустриал паркларнинг турлари ва уларни барпо этишда давлат-хусусий сектор шерикчилигидан фойдаланиш, паркларни инновацион ривожлантириш масалалари О.Н.Беленов, Т.Ю.Смолянинова ва Ю.В.Шурчкованинг ишларида ўрганилган.

Ўзбекистонлик иктисодчи олимлар асарларида асосан кичик бизнесни ташкил этиш, ривожлантириш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари тадқиқ этилган. Жумладан, А.В.Ваҳобов, Т.С.Маликов, Ш.Баева, С.С.Ғуломов, Г.К.Яхшибоев ва бошқаларнинг ишлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, ривожлантириш ва молиялаштиришга бағишланган. Бирок ҳозирги вақтда кичик саноат зоналарига тааллуқли илмий монография ва дарсликлар деярли мавжуд бўлмай, бу борада эълон қилинган мақолалар оммабоп тавсифга эга. Фақат Р.Юлдашевнинг мақоласида кичик саноат зоналарнинг ҳозирги ҳолати, уларнинг мамлакатимиз саноатини ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдаги ўрни ва аҳамияти ёритилган. Бундан кўринадики, Ўзбекистонда кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантириш масалалари деярли ўрганилмаган.

Мазкур китобнинг биринчи боби **“Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий асосларини такомиллаштиришнинг назарий жиҳатлари”**га бағишланган. Унда кичик саноат зона тушунчасининг мазмуни, хусусиятлари, вазифалари, кичик саноат зонасининг хорижий давлатлардаги индустриал зона ва

индустриал парклардан фарқи, кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий, иктисодий ва ҳуқуқий асослари, самарали ташкил этиш йўллари, республикада саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришдаги аҳамияти ва хориж тажрибасидан келиб чиқиб, кичик саноат зоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари тадқиқ этилган. Биринчи боб якунида ушбу боб бўйича хулоса келтирилган.

Иккинчи боб **“Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантириш омиллари ва ҳозирги ҳолати таҳлили”** деб номланган. Ушбу бобда КСЗларни барпо этиш ва ривожлантиришга таъсир этувчи ташки ва ички омиллар, мамлакатда фаолият юритаётган ва барпо этилаётган кичик саноат зоналарининг республика ва ҳудудлар кесимидаги ҳозирги ҳолати, КБХТ субъектларини танлов асосида зонага жойлаштириш талаблари, КСЗлар ҳолатини ифодаловчи ва уларни ўзаро киёслаш учун зарур самарадорлик мониторинги инструментлари тадқиқ қилинган.

Учинчи боб **“Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг концептуал модели”**га бағишланган. Мазкур бобда КСЗларни барпо этиш ва ривожлантириш асосида ётувчи тамойиллар, гинфилд КСЗларни ташкил этиш, уларнинг ишлаб чиқариш биноларини барпо этишда ва илғор хорижий технологияни харид қилишда давлат-хусусий шериклигидан фойдаланиш масалалари, ҳудудларни саноат ишлаб чиқариш, илмий-техник ва малакали кадрлар салоҳиятини интеграл кўрсаткичлар асосида баҳолаш таҳлил қилинди. Ва шу баҳоларга кўра КСЗларни турларга ажратиш, уларни ривожлантириш йўналишларини белгилаш, КСЗларни барпо этиш ва ривожлантиришнинг концептуал моделини ишлаб чиқиш, КСЗларга КБХТ субъектларини танлов асосида жойлаштиришнинг экологик, ижтимоий ва иктисодий мезонлари тизимини ишлаб чиқиш, КБХТ томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти динамикаси ва унинг ривожланиш тенденциясини эконометрик моделлар ёрдамида прогноз қилиш масалалари тадқиқ этилди. Монография охирида тадқиқот натижалари сифатида хулоса ва тавсиялар берилган. Монографиянинг 2-боби, 2.1 параграфи ва 3-бобининг 3.1 параграфи **“Макроиктисодий тадқиқотлар ва прогнозлаштириш”** институтининг мустақил тадқиқотчиси Салимов Ш.Б. томонидан ёзилган.

1-БОБ

КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ

§1.1. Кичик саноат зоналарининг хусусияти ва вазифалари

Республикаимизда саноатни самарали ривожлантириш йўналишларидан бири кичик саноат зоналари (КСЗ) ҳисобланади. КСЗ давлат мулки объектларининг фойдаланилмаётган майдонлари, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарнинг ишлатилмаётган ҳудудлари негизда яратилмоқда. КСЗлар давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни реал қўллаб-қувватлаш ва уларни ривожлантиришни янги юкори боскичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг маълумотларига кўра, юртимизнинг барча ҳудудларида 2018 йил 1 июнь ҳолатига кўра, 89 та КСЗ ташкил этилган, уларга жами 1305,25 гектар ер майдони ажратилган. Лойиҳалар сони 1144 та, киритилган инвестициялар 2594,9 млрд.сўм ва 84,15 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Уларда 32 мингта яқин иш ўринлари яратилган.

КСЗ тушунчаси ва ундан амалиётда фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2014 йил 31 декабрдаги 378-сонли қарори қабул қилинганидан кейин пайдо бўлди. Ҳозирча КСЗлар тўғрисида дарслик ёки монография мавжуд эмас. Интернет сайтларида жуда кўп мақолалар эълон қилинган бўлса-да, уларнинг деярли кўпчилиги оммабоп характерга эга бўлиб, уларда КСЗларни барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари назарий

жихатдан ўрганилмаган. Шу сабабли, ҳозирги кунда КСЗнинг таърифи ҳам аниқ берилмаган десак, тўғри бўлади.

Фақат кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомда КСЗга таъриф сифатида қуйидагилар келтирилган: зарар кўриб ишлаётган, иктисодий ночор ва паст рентабелли ташкилотларнинг фойдаланилмаётган, муҳандислик коммуникациялари ўтказилган ва зарур инфратузилмага эга алоҳида ҳудуд. Яна бир жойда КСЗ – иктисодий ва индустриал ривожланиш бўлиб, маҳаллий ва халқаро бозорда рақобатбардошликни ошириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш, уни сифатли товар ва хизматлар билан таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади деб ёзилган³.

Биринчи таъриф кўпроқ амалиётга яқинлаштирилган бўлиб, унда КБХТ субъектларини танлов асосида жойлаштириш эътиборга олинмаган. Маълумки, КСЗлар ҳудуди давлат мулки ҳисобланади ва у КБХТ субъектларига ижарага берилади. Бундай ўзгармас ўзига хос хусусиятлар таърифда ўз ифодасини топиши керак деб ўйлаймиз.

Иккинчи таърифда КСЗнинг асосий вазифалари кўрсатиб ўтилган, ҳолос. КСЗга таъриф беришдан олдин хорижий давлатларда кенг тарқалган ва саноат ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишнинг самарали шакллари бўлган “Саноат зонаси”, “Индустриал зона”, Индустриал парк, Саноат комплекси ва кластер таърифларини ўрганамиз.

Индустриал парк деганда, алоҳида ишлаб чиқариш комплекси бўлиб, ягона ривожланиш концепцияси ва инфратузулмасига эга йўналиш бўйича хизмат кўрсатиш ва самарали ишлаб чиқаришни бошқарув компанияси томонидан таъминланувчи, фаолияти давлат томонидан кафолатланувчи ва имтиёз олиш имкониятига эга минтақа иктисодиётининг ҳудудий таркибий элементи тушунилади. Индустриал паркнинг асосий базис элементлари саноат ишлаб чиқаришига мўлжалланган ер майдони мавжудлиги, бошқарув компанияси ва инфратузулманинг (муҳандислик, транспорт, молия ва ижтимоий) мавжудлиги, махсус иктисодий шароитлар, ягона ривожланиш концепцияси, ресурслар ва сотиш бозорларига чиқиш имкониятлари мавжудлиги ҳисобланади.

³ <https://www.google.com/search?q=кичик+саноат-зонал/>

Муаллифларнинг фикрига кўра, индустриал паркларни барпо этиш ва ривожлантириш бир қатор вазифалар ва муаммоларни ҳал этишга олиб келади. Буларни тўрт гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: Россия Федерацияси даражасида, Россия Федерацияси субъекти даражасида: вилоят, ўлка, республика, муниципалитет даражаси ва тадбиркорлик таркиби даражасида.

- Россия Федерацияси даражасида:
 - саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиради;
 - инновацион жараёнларни ривожлантиради;
 - инновацион муҳитни яхшилади;
 - инвестицияларни жалб этади;
 - ҳудуднинг баланслашган, мутаносиб ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлайди.

- Россия Федерацияси субъекти даражасида:
 - шаҳар марказидаги саноат корхоналарини шаҳардан четга чиқариш орқали жадал ривожланувчи ҳудуд барпо этиш;
 - бюджетга пул тушуми тушишини ошириш ва бюджет маблағлари самарали сарфланишини ошириш;
 - бир қатор минтакалар иқтисодиётини диверсификациялаш;
 - тадбиркорлик ривожланиши учун шароит яратиш ва иш ўринларини барпо этиш.

- Муниципалитет даражасида:
 - самарали технологик занжирни барпо этиш;
 - фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини қайта ташкил этиш;
 - кичик таъминотчилар йўқлиги муаммосини ҳал этиш;
 - тадбиркорлик таркиби даражасида ҳудуд имкониятидан самарали фойдаланиш.

- Тадбиркорлик таркиби даражасида:
 - парк элементларини ўзаро ҳолда жойлаштириш ва агломерация самараси ҳисобидан маблағларни тежаш;
 - солиқ имтиёзлари ва бошқа преференциялардан фойдаланиш;
 - мавжуд инфратузилмадан фойдаланиш ва хоказо.

Индустриал паркларнинг асосий устун томонларидан бири – уларда илмий тадқиқот, саноат ишлаб чиқаришга мўлжалланган ишлаб чиқаришнинг биргаликда жойлашуви.

Россия Федерациясидаги индустриал паркларни барпо этиш бошлангич поғонада эканлиги билан ифодаланadi. Шу сабабли, муаллифнинг фикрига кўра Россия Индустриал паркларида резидентлар асосан маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланади, илмий-техник жараёнлар паст даражада.

Россияда фаолият юритувчи индустриал паркларнинг сони 50 тадан 100 тагача, АКШ ва Хитойда уларнинг сони 400 та, Германияда 200 та, Туркияда 262 та. Россия Федерациясида Индустриал парк майдони ўртача 225 га. ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткичларни ривожланган Ғарбий Европа давлатлари кўрсаткичлари билан киёслак, ривожланган давлатларда (АКШ, Хитой, Германия) индустриал парк майдони 100 га. дан 30000 гектаргача, резидентлар сони эса 100 дан 30 минггача. Ғарбий Европа давлатларида индустриал парклар технологияни ривожлантириш маркази ҳисобланади ва уларда йирик илмий-ишлаб чиқариш компаниялари фаолият юритади. Масалан, Германияда, Франфуркт-Хёхст Индустриал паркида 90 дан ортик илмий-ишлаб чиқариш компаниялари биотехнология, химия ва фармацевтика саноати соҳаларида иш олиб боради.

Россия Федерациясида Индустриал паркларга тушадиган талабномаларни (заявка) таҳлил қилиш учун қуйидаги чекловлар белгиланган: битта резидент учун ажратиладиган ер майдони 0,5-5,0 гектар; резидентнинг бир гектар ер майдони ҳисобидан оладиган даромади 100-150 млн.рубль; бир гектар ер майдонида яратиладиган иш ўрни 25-75 киши: АКШ доллари эквивалентида бир гектар ер майдонида тўғри келувчи йиллик даромад 1,6 – 2 млн. АКШ долларини ташкил этади (доллар курси: 64 рублга 1 доллар бўлганда).

Саноат зонасининг индустриал паркдан фарқи шундаки, бу ерда илгари саноат ва бошқа ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритган, кейинчалик қисман ёки бутунлай фаолиятини тўхтатган, лекин ер майдони, ишлаб чиқариш бинолари ва маълум даражада инфратузилма элементлари сақланиб қолган. Бундай ҳудудларда ишлаб чиқариш зоналарини ташкил этиш кўзда тутилган.

Давлат Думаси томонидан қабул қилинган № 778655-6-сонли қонунда ҳам саноат зоналарини комплекс ривожлантириш тартиби берилган. Ушбу тартибда саноат зонасини комплекс

ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилиш шартлари белгиланган. Саноат зонасини комплекс ривожлантиришдан олдин тайёрлаш жараёни давлат томонидан тартибга солинади. Зона ҳолати ўрганилади, кейин саноат зонасини комплекс ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилади ва уни амалга ошириш дастури ҳамда саноат зонаси худудининг режа лойиҳаси (зона резедентларини жойлаштириш) ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Саноат зонасини ривожлантириш шартнома асосида амалга оширилади. Зонани ривожлантиришда қатнашувчи ҳар бир мулк эгаси маҳаллий бошқарув органи билан саноат зонасини ривожлантириш бўйича, ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаган ҳолда келишув тузади.

Худудни ривожлантириш шартномасига кўра, худудни ривожлантиришни таъминловчи шахс асосий қурувчи компания ҳисобланади. Асосий қурувчи зонани ривожлантириш бўйича шартнома тузиш, яъни ушбу ҳуқуқни эгаллаш учун компания ўтказилган келишув савдосида ғолиб чиққан бўлиши керак.

Саноат зонасини ривожлантиришда қатнашувчи мулк эгалари ҳам шартнома асосида ва танловга кўра аниқланади.

Муниципал тузилма таркибида саноат зоналарини барпо этиш ва уни инвестициялаш масалаларига бағишланган [52] ишида саноат зонасига қўйидагича таъриф берилган: саноат зонаси – муниципал мулки бўлган, юқори худудий орган томонидан тасдиқланган, асосий қурилиш режасига кўра, ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун, муниципалитет томонидан саноат қурилишига ажратилган ер майдони. Муниципал тузилмаларда саноат зонаси қўйидагича шакллантирилади: муниципал тузилманинг маъмурий органи юқори маъмурий органдан (шаҳар, вилоят, ўлка) ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектларини қуриш учун ер майдони ажратиб беришни сўрайди. Агар жавоб ижобий бўлса, ушбу ер майдони саноат зонаси учун ажратилади, зонада ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий объектларни қуриш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилади, қурилишнинг асосий режаси тасдиқланади. Кейин ер ажратилади ва асосий режага кўра қурилиш амалга оширилади. Бу ерда саноат ишлаб чиқариш, инфратузилма ва санитар зона ўзаро мутаносиб равишда жойлашади.

Хитой Халқ Республикасида саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантириш тажрибасини ўрганиш катга қизиқиш уйғотади

[138]. Саноат зоналарининг муваффақиятли ривожланишида иккита омил муҳим аҳамият касб этади. Биринчи омил – хусусий тадбиркорларнинг энергиясидан ҳар томонлама фойдаланиш. Иккинчиси – хусусий иктисодга асосланган саноат зонасининг ягона тизим сифатидаги фаолиятдан вужудга келувчи самара (синергия самараси). Саноат зоналари Хитой ҳудудларининг иктисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Чжецзян провинциясида уч юздан ортик саноат зоналари мавжуд. Ушбу ҳар бир саноат зонасида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми бир йилда ўртача 100 млн. юанни ташкил этади. Умуман, хусусий тадбиркорликка асосланган саноат зоналари минтақалар иктисодиётининг ривожланишини ҳаракатга келтирувчи асосий куч сифатида ўрганилади.

Саноат зоналарида йирик фирмалар эмас, асосан кичик ва ўрта корхоналар жойлашган. Уларни цехлар сифатида кўриб чиқиш мумкин. Цехлар ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланади. Айрим цехлар маълум бутловчи қисм ёки оралиқ маҳсулот ишлаб чиқарса, бошқалари якуний маҳсулот ишлаб чиқаради. Ягона ҳудудда жойлашган кўплаб кичик цехлар ягона саноат ишлаб чиқариш комплексини ташкил этади ва бундай комплекс миллий ва жаҳон бозорлари учун кенг турдаги товарларни ишлаб чиқариш имкониятига эга. Саноат зонасининг устунини кўп сонли якуний маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқарувчи хусусий фирмалар ташкил этади ва бунга қуйидагилар қиради: хусусий бизнес, акционерлик капиталига асосланган корхоналар, ташқи савдо билан шуғулланувчи фирмалар, қўшма корхоналар. Саноат зонаси таркибига қуйидагилар ҳам қиради: бирламчи маҳсулот, бутловчи компонент, қисмлар ва усқуналар билан таъминловчи корхоналар; чакана ва улгуржи савдо билан шуғулланувчи корхоналар, экспорт ва импорт соҳасидаги воситачи корхоналар, молиявий ва ахборот хизмати кўрсатувчи корхоналар; малакали кадрлар тайёрловчи агентликлар, стандартларни ишлаб чиқувчи ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва тажрибали конструкторлик бюроси, алоқа воситаси, қасаба уюшмаси ва ҳоказо.

Саноат зоналарининг устунликларига қуйидагиларни қиритиш мумкин:

- кичик корхоналарнинг мослашувчанлиги, ташки мухитга мослашиши ҳамда уларнинг қўллаб-қувватланиши саноат зонасининг барқарор фаолиятини таъминлайди;

- инфратузилма, мутахассисларни тайёрлаш, хомашё материалларини сотиб олиш, махсус деталлар, оралик маҳсулотлар, ускуналарни олиш ва бизнесга хизмат кўрсатиш соҳасидаги харажатларнинг пастлиги;

- ижтимоий инфратузилма объектларидан фойдаланиш имкониятлари;

- ихтисослашув ва кооперацияни кучайтириш ҳисобидан ишлаб чиқариш соҳасида миқёс самарасига эришиш.

Масалан, маълумки фирмада фойдаланилмайдиган ускуна бошқа фирма учун фойда олиш манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин ёки маълум фирма ускунани сотиш орқали ўз молиявий ҳолатини яхшилаб олиши мумкин. Саноат зонасида жойлашган персоналнинг тайёрлаш агентлигидан ишчи ёллаши очик меҳнат бозоридан ёллашга нисбатан арзон тушади.

Моддий ресурслар, керакли хомашё ва компонентларнинг маҳаллий таъминотчилардан сотиб олиниши, транспорт ва омборхона харажатларини тежашга олиб келади.

Бундай саноат зоналарининг асосий камчиликлари: зона фирмаларининг илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари молия соҳасида йирик фирмалар билан рақобатлаша олмайди. Чунки кичик ва ўрта фирмаларнинг даромадлари катта бўлмаганлиги сабабли, илмий тадқиқотларга инвестиция киритиш чекланган.

Индустриал паркларни кластер асосида ривожлантиришга ҳам муҳим эътибор берилмоқда. Илмий адабиётларда кластерни шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларига жуда кўп ёндашувлар мавжуд. М.Портернинг фикрича[94], кластернинг вужудга келиши кўп ҳолларда хомашё ресурсларини олиш имконияти бўлган жойлар билан боғлиқ бўлади, муҳим технологик инновациялардан фойдаланувчи фирма ва тадбиркорларнинг маълум бир жойда тўпланиши сабаб бўлиши мумкин. Йирик корхоналар кластернинг ядроси ҳисобланади. Шу ядро атрофида кейинчалик махсус таъминотчилар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар барпо этилади. Кейинчалик кластерда таълим муассасалари, кластерга хизмат кўрсатувчи корхоналар пайдо

бўлди. Кластерни шакллантириш бўйича халқаро тажрибага кўра, (масалан, Хитойнинг автомобиль кластерини яратиш тажрибаси) бошида бир ёки бир неча йирик корхонадан иборат саноат зонаси ташкил этилади. Бу эса маълум даражада инфратузилма элементлари ва бошқа ёрдамчи ишлаб чиқаришлар барпо этилишига сабаб бўлади.

Кластерни яратишда энг муҳим масалалардан бири юқори малакали мутахассис кадрларни жалб этиш орқали кадрлар салоҳиятини ривожлантириш, у маҳсулот ишлаб чиқаришнинг: маҳсулот ишлаб чиқаришдан тортиб, то уни бозорда сотишгача бўлган тўлиқ даврини йўлга қўйиши керак.

Кластерни шакллантириш табиий ҳолатда юз беради, бунинг учун, яъни кластернинг шаклланиши учун давлат яхши шароит яратиши лозим. *Кластернинг устун томонлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:*

- трансакцион харажатларни камайитиришга олиб келади (ресурсларни бирлаштириш натижасида);

- синергия самараси вужудга келади (кластер қатнашчилар ўртасида кооперацияни вужудга келиши асосида);

- инновацияларни ривожлантириш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш тезлашади.

Кластерларнинг салбий томонларини ифодалайдиган бўлсак:

- ихтисослашув маҳсулот сифатини ошириш билан бирга, кластерни заифлаштириши (маҳсулотга талабнинг камайиши) ҳам мумкин;

- тизимнинг ўзи билан ўзи бўлиб қолиш самараси (эффект замкнутости) пайдо бўлиши мумкин;

- ортиқча таъминланганлик (синдром самодостаточности) синдромининг пайдо бўлиш эҳтимоли мавжудлиги ишлаб чиқариш ҳажми пасайишига олиб келади.

М.Портернинг фикрича, кластер аниқ бирор соҳада ўзаро боғлиқ корхоналар ва йўлдош институтлар гуруҳи бўлиб, географик нуктаи назардан ўзаро яқин жойлашган, улар умумий иш ва ўзаро ўриндошлик орқали ўзаро боғланган. Кластер – тадбиркорлик таркибининг тармок, ҳудуд бўйича ихтиёрий бирлашуви бўлиб, улар ўз маҳсулоти, хизмати рақобатбардошлигини ошириш ва минтақа иқтисодиёти

ривожланишига таъсир кўрсатиш учун илмий ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимият органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

Россия Федерациясида бир қатор минтақавий кластерлар фаолият юритмоқда: текстиль кластери (Волгоград области), фармацевтика, биомедицина ва биотехнология кластерлари (Калуж области), ахборот технологияси кластери, кластер нанотехнологияси (Москва шаҳри, Москва области), қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластери, қурилиш материаллари кластери (Ростов области).

Россия олимларидан С.Ю.Глазьев ва А.Акаевнинг фикрича [44],[23], Россия иқтисодиётини ривожлантиришда ривожланган хорижий давлатларнинг юқори унумдорликка эга янги технологиялари ва Россияда яратилаётган маҳаллий илғор инновацион технологияларга асосланган ҳолда Россия иқтисодиёти, базис тармоқлар ва қайта ишлаш саноатини чуқур технологик модернизация қилиш масаласини қўяди. Фақат хорижий ва маҳаллий технологик инновациялардан оптимал комбинацияда фойдаланиш орқали ҳамда уларнинг синергетик самараси Россия иқтисодиётини юқори, барқарор ўсиш суръатини 7-8% даражада бўлишини таъминлайди, деб ёзади.

Россия Федерацияси ва бошқа давлатлар тажрибасидан кўринадики, Ўзбекистонда КСЗларини ташкил қилишда кластерлардан фойдаланиш зоналарнинг ихтисослашувига ва самарадорлигини оширишга олиб келади. КСЗларни кластер усулда ташкил этишда қуйидагиларга эътибор қаратилиши лозим:

КСЗлар асосан шаҳарларда жойлапишини эътиборга олсак, уларни хомашё билан таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга таъсири, КСЗларнинг транспорт омили ва бошқа омилларни ҳисобга олганда, шаҳар ҳудудида қўп турдаги ишлаб чиқариш объектларини КСЗда жойлаштириш маълум кийинчиликларга олиб келиши мумкин.

Бу ерда, фикримизча, КСЗларнинг жойлашувига қараб (шаҳар ўртасида ёки шаҳар четида), уларнинг қайси маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашувига қараб ишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари, тикув цехлари ва экологияга салбий таъсир кўрсатмайдиган ишлаб чиқаришни шаҳар ичидаги КСЗларда жойлаштиришни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Химия соҳасига қарашли, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни, яъни атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар шаҳар четидаги КСЗларга жойлаштирилса, ўринли бўлади. Ҳар бир КСЗни ташкил этишда унинг жойлашувига, ишлаб чиқариш турига қараб хомашё билан таъминлаш, тайёр маҳсулотни сақлаш, транспортировка қилиш, ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга таъсири эътиборга олинishi КСЗ ихтисослигини танлашда муҳим ўрин тутади. Масалан, транспорт хизматининг ҳажми ошиб кетиши шаҳарда автомобиль тирбандлиги, ҳаво ифлосланишининг ортишига олиб келади.

Яна бир муҳим жиҳат, КСЗларни кластер асосида ташкил этишда давлатнинг кластер сиёсати бўлиши керак. Биринчи ўринда қайси саноат тармоғи кластер ядросини ташкил этиши аниқланади, кейин эса оралиқ маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар танланади. Хомашё етказиб берувчилар, инфратузулма объектлари кетма-кет ишга туширилиши кластернинг табиий шаклланиши ва барқарор ишлашини таъминлайди [46].

Кластерни барпо этишнинг хориж тажрибаларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, КСЗларда кластерни ташкил этиш кўйидаги шартларнинг бажарилишини талаб этади:

кооперацион алоқага эга ва интенсив ривожланишдан манфаатдор кичик корхоналар мавжудлиги;

тор ихтисослашувга эга ва аутсорсинг бўйича айрим ишларни қабул қилиш имкониятига эга кичик бизнес мавжудлиги;

ҳудудда илмий база ва маълум малакага эга ишчи кучининг ва бошқа ишлаб чиқариш ресурсларининг мавжудлиги;

инновацион ишлаб чиқариш инфратузулма: бизнес-инкубатор, кластерни ривожлантириш маркази;

маҳаллий ҳокимият органида КСЗни стратегик ривожлантириш режаси мавжудлиги.

Шуни айтиш керакки, барча давлатлар учун кластерни барпо этишнинг ягона унификациялашган механизми мавжуд эмас. Демак, ҳар бир ҳудуд учун кластерни барпо этиш бўйича асосланган дастур ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон шароитида КСЗларда кластерни ташкил этиш босқичларини келтирамиз:

- Давлатнинг КСЗни стратегик ривожлантириш режасини ишлаб чиқиш, яъни ишлаб чиқариладиган якуний маҳсулот турини аниқлаш (кластер ядросини аниқлаш).
- Якуний маҳсулот ишлаб чиқарувчи асосий корхоналарни ва оралик маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни аниқлаш.
- Аутсорсинг бўйича ишларни қабул қиладиган кичик бизнес таркиби ва ишлар турини аниқлаш.
- Худудда ташкил этиладиган инфратузулма объектларини аниқлаш.
- Кластерни ривожлантириш марказини тузиш (инновацион инфратузулма ёки илмий-тадқиқот институти ёки университет билан алоқа ўрнатиш).

Кластернинг шаклланиши учун давлат томонидан керакли шарт-шароитлар яратилиши муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Юқорида келтирилган ҳудудий локал саноат ишлаб чиқариш тузилмаларининг умумий жиҳатларини таҳлил қилиш орқали ва КСЗларнинг мақсади, вазифалари ва базис инфодаларидан келиб чиқиб, *КСЗга қуйидаги муаллиф таърифи берилди*: кичик саноат зона – саноат соҳасидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини танлов асосида жойлаштиришга мўлжалланган ва самарали ривожланишини таъминловчи, давлат имтиёзи ва кафолатини олиш имкониятини бсрувчи, паст рентабелли ва иктисодий ночор корхоналарнинг фойдаланилмаётган давлат мулки ҳисобланган бўш ер майдонлари ва ортиқча ишлаб чиқариш майдонини ўз ичига олувчи муҳандислик-техник, транспорт коммуникациялари ўтказилган ва зарур инфратузулмага эга ҳудуд.

КСЗларни барпо этишдан мақсад – зарар кўриб ишлаётган, иктисодий ночор ва паст рентабелли ташкилот, корхоналарнинг фойдаланилмаётган ҳудудларини ҳамда ортиқча ишлаб чиқариш майдонларини КБХТ субъектларига танлов асосида бериш ва уларга имтиёз яратиш орқали ҳудудларда саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш. Бозор шароитида КСЗларини барпо этиш ва ривожлантириш, биринчи навбатда, рақобатга ва фойда олишга асосланган. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2017 йилда жами зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони 44935 тани ташкил этган. Бу кўрсаткич 2013-2017 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Худудлар кесимида ўргансак, зарар билан ишлаётган энг кўп корхоналар сони саноати ривожланган худудларга тўғри келади. Хусусан, Тошкент шаҳрида 14389 та корхона зарар кўриб ишлаган. Тошкент вилоятида 4313 та, Андижон вилоятида эса 3449 та корхона зарар билан ишлаган. 2017 йилда республика бўйича саноат соҳасида 51,4 мингта корхона рўйхатдан ўтган бўлса, шундан 2200 таси ўз фаолиятини бошламаган. Зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони таркибида барча фаолият турлари бўйича зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони ҳисобга олинган, шу билан бирга, КБХТ субъектлари ҳам. КСЗларни барпо этилиши худудларда ортикча юк бўлган бўш бинолар ва ер майдонларининг ишлаб чиқариш майдонларига айланишига олиб келади. КСЗда яратилган имтиёзли иқтисодий шароит, яъни солиқ, божхона ва кредит имтиёзлари зонанинг инвестицион жозибadorлигини оширади.

КБХТ субъектларининг танлов асосида КСЗга жойлаштириш, биринчидан, давлатнинг саноат сиёсатини амалга ошириш имконини яратади; иккинчидан, КСЗнинг ижтимоий ва иқтисодий самарadorлигини оширади. Учинчидан, худуднинг хомашё, меҳнат ва молия ресурслари ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилади; тўртинчидан, худуддаги корхоналар ўртасида кооперацион алоқалар кучаяди ва бу, ўз навбатида, синергетик самарага олиб келади.

КСЗларни барпо этишнинг асосий вазифалари:

- Худудларда бўш ётган ер ва бинолардан саноат ишлаб чиқаришда фойдаланиш.
- Саноат ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш.
- Янги кўшимча иш ўринларини яратиш.
- Худуд раҳбарларининг саноат сиёсатини амалга ошириш (саноат маҳсулотларининг устувор турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш).
- КСЗларнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш орқали зонага илғор технологияга асосланган, рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи ва экспортбop маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўловчи КБХТ субъектларини жалб этиш.
- Хориж инвестицияси иштирокидаги корхоналарни зонага жалб этиш. Зонадаги корхоналар ўртасида ва

худудда жойлашган бошқа корхоналар ўртасида кооперацион алоқаларни ривожлантириш, зонада саноат кластерлари шаклланишига шароит яратиш.

КСЗларда саноат ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш жуда муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ривожланган хорижий давлатлар тажрибасига кўра, саноат мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Саноатнинг ривожланиши кишлок хўжалиги, озик-овқат саноати, енгил саноат, қолаверса қолган барча тармоқ ва соҳаларнинг ривожланишига туртки беради, аҳолини иш билан таъминлайди ва даромадини оширади.

Саноатнинг янги технология ва инновациялар асосида ривожланиши унда банд ишчиларнинг техник билим савиясини оширади ва бу саноат тармоқларининг янада юксалишига замин ярагади. Ҳукуматимиз томонидан 2016 йилда республиканинг ресурс ва ички имкониятларидан баҳоланган ҳолда 2030 йилга бориб мамлакатимизда ЯИМни камида 2 баробарга ошириш, саноатни жадал ривожлантириш ва ЯИМда унинг улушини 40 фоизга етказиш масаласи қўйилиши бежиз эмаслигини билдиради.

2017 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг 3-йўналиши, 3.2 ва 3.5 бандларида саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини янада ривожлантириш, саноатда чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш, худудларнинг мавжуд саноат салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш масалалари илгари сурилган.

Шу нуктаи назардан, мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришини мамлакат миқёсида ва худудлар миқёсида самарали ривожлантириш шакллари ва омилларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Саноат ривожланишини умумийликдан хусусийликка қараб бориш орқали ўрганмоқчи бўлсак, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи ЯИМдаги улушини ўрганишдан бошлаган мақсадга мувофиқ.

Ривожланган хорижий давлатлар ЯИМининг таркибини ўргансак, хусусан, Францияда ЯИМ 2017 йилда 2583,56 млрд. АҚШ долларини ташкил этган, шундан 2,4 %ни кишлок хўжалиги,

26,5 %ни саноат ишлаб чиқариши, 71,1 %ни эса хизматлар ташкил этади. Саноатнинг ЯИМ даги улуши қишлоқ хўжалигига нисбатан 11 баробарга кўп. 2030 йилга бориб саноатни мамлакатимизнинг ЯИМдаги улуши 40% ни ташкил этса, Франция ЯИМ таркибига эришиш учун қишлоқ хўжалигининг ЯИМ даги улуши 2.4 % га ва хизматларнинг улуши эса 57,6 % га тенг бўлиши керак.

Франция экспортининг 80%ини саноат маҳсулотлари ташкил этади. Саноатда фаол аҳолининг 26 фоизи банд, қишлоқ хўжалигида эса 5 фоизи. Фаолият юритаётган саноат корхоналарининг 95% ида ишчилар сони 20 нафаргача. Демак, корхоналарнинг 95 фоизи кичик ва ўрта бизнесни ташкил этади. Лекин, 100 та йирик фирма мамлакат саноат ишлаб чиқаришининг 2/3 қисмини (66,6 фоизини) беради (www.ekonomy-web.org).

Германиянинг ЯИМи 2017 йилда 3684,82 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Германияда ҳам кичик ва ўрта бизнес саноат ишлаб чиқаришнинг асосий ўзаги деб қаралади, жами корхоналарнинг 99,6%ини ташкил этади ва уларда ишчиларнинг 79,2 фоизи меҳнат қилади. Германия ЯИМининг 71,1 фоизи хизматлар соҳасига, 28,1 фоизи саноатга ва 0,8 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Саноатнинг ЯИМдаги улуши қишлоқ хўжалигига нисбатан 35,1 баробарга кўп (<https://zagranportal.ru/gezmaniyn>).

Хитой Халқ Республикасининг ЯИМ таркибини ўргансак, у 12014,61 млрд. АҚШ долларига тенг, унинг 40%ини саноат, 10%ини қишлоқ хўжалиги, 7%ини қурилиш ва қолган 43%ини хизматлар ташкил этади. ЯИМда саноатнинг улуши қишлоқ хўжалиги улушидан 4 баробар кўп.

Ўзбекистон Республикаси кўрсаткичларини ўргансак, у қуйидагича: ЯИМ жами 249,13 трлн.сўм. ЯИМнинг таркиби: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликларининг улуши – 19,2%; саноат ва қурилиш – 33,5%; хизматлар соҳаси – 47,3%. Саноатнинг улуши, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари улушидан 1,7 баробарга кўп, холос. Ушбу маълумотлардан келиб чиқиб айтсак, республикада саноатни ривожлантириш иқтисодиётнинг энг устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда саноат ва унинг тармоқларини ривожлантиришнинг меъриёрий-ҳуқуқий, назарий асослари ва шакллари Н.М.Махмудов [86] ва Б.Ю.Ходиев, Н.М.Махмудов,

Ё.Ш.Файзуллаев, С.О.Хомидов, М.С.Юсупов [103] ишларида яхши ёритилган. Ушбу олимлар асарларида Ўзбекистон саноатининг ривожланиш босқичлари акс эттирилган.

Ривожланиш босқичлари бешта босқични ўз ичига олади:

Биринчи босқич – 1991-1995 йиллар бўлиб, бунда саноат салоҳиятини сақлаб қолиш, қазиб олувчи ва бирламчи қайта ишлаш саноатини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Иккинчи босқич – 1996-2000 йиллар. Бу босқичда қайта ишлаш саноатини, машинасозлик, енгил, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш масалаларига эътибор берилганлиги тўғрисида фикр билдирилади.

Учинчи босқичда эса – (2001-2005 йиллар) импорт ўрнини босувчи саноат тармоқларини ривожлантириш асосида экспортга йўналтирилган саноат ишлаб чиқариш соҳаларини барпо этиш, йирик саноат корхоналарини хусусийлаштириш, монопол корхоналар мавқеини чеклаш, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни тугатиш, уларни ислох қилиш масалаларига эътибор берилган.

Тўртинчи босқич – 2006-2010 йиллар, бу ерда асосий эътибор экспортга мўлжалланган рақобатбардош маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тармоқлараро ва тармоқ ичида саноат кооперациясини ривожлантириш масалаларига қаратилганлиги ёзилган.

Бешинчи босқич (2011-2016 йиллар), бу босқичда муаллифлар саноат тармоқларини модернизациялаш ва диверсификациялашни кучайтириш, саноат ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, импортни қисқартириш, истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш масалаларига эътибор берилганлиги тўғрисида тўхталиб ўтганлар.

Саноатни ривожлантириш босқичлари аниқ статистик рақамлар ва давлатимизнинг саноат сиёсати билан боғланган ҳолда жуда асосли далиллар орқали ёритиб берилган. Бундан ташқари, Ўзбекистонда саноатни тармоқ бўйича ривожлантириш масалаларида тўхталиб, саноатни ривожлантиришнинг базис омили бўлган хомашё ва ресурслар базаси таҳлил қилинган ва унинг саноатни ривожлантиришдаги аҳамияти ёритиб берилган.

Ишда саноатни ривожлантиришнинг яна бир йўли, бу эркин саноат зоналарини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Хусусан, эркин иктисодий зоналарнинг Ўзбекистонда саноатни ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Эркин иктисодий зоналарни барпо этиш бўйича Япония, Жанубий Корея, Малайзия ва Исроил тажрибаси таҳлил қилинган, мамлакатимизда ташкил этилган эркин иктисодий зоналар фаолияти ҳам таҳлил қилинган ва уларни ривожлантириш бўйича таклифлар берилган. Хусусан, юқори технологияга асосланган сиғимли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни эркин иктисодий зоналарга жалб этиш, эркин иктисодий зоналарни фан-техника тараққиётини таъминловчи технопарклар асосида ташкил этиш масалаларига эътибор берилган.

Лекин шу билан бирга, ишда саноатни минтақада ва минтақа таркибига кирувчи саноатни ҳудудлар бўйича самарали ташкил этиш шакллари бўлган саноат комплекси, саноат зонаси, индустриал парк ва Ўзбекистон шароитида барпо этилиши ва ривожлантирилиши билан ажралиб турувчи кичик саноат зоналарини ривожлантириш масалаларига деярли эътибор берилмаган.

§ 1.2. Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг назарий асослари

Индустриал паркларни ривожлантириш тарихи 1896 йилда биринчи бўлиб Англиянинг Манчестер шаҳрида Графферд парки ташкил этилишидан бошланган ва у режалаштирилган муҳандис транспорт коммуникация саноат зонаси ҳисобланган [104].

1992-93 йиллар АҚШда Эко-индустриал парки концепцияси пайдо бўлди. Бу ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи компанияларнинг бирлашуви бўлиб, улар ҳамкорликда бир вақтда ишлаб чиқариш ва экологик самарадорликка эришишни мақсад қилиб қўйган.

Ҳозирги вақтда Эко-индустриал парклар Канада, Индия, Индонезия, Хитой, АҚШ ва Япония давлатларида кўп тарқалган. Умуман, айти пайтда 90 дан ортиқ давлатларда 20000 дан ортиқ индустриал парклар фаолият юритмоқда.

Россия Федерациясида индустриал паркларнинг ривожланиши 2005 йил 22 июлда 116-ФЗ-сонли “Россия Федерациясидаги алоҳида зоналар тўғрисидаги” қонуни қабул қилингандан кейин бошланди. Лекин қонунда индустриал паркка таъриф берилмаган.

Индустриал парк тушунчасига кўпгина ишларда таъриф берилган [24] [25] [97]. Бу таърифларга тўхталмай, индустриал паркнинг ўзига хос асосий хусусиятларига тўхталиб ўтамиз:

- маҳаллий ҳокимият органлари томонидан индустриал парк қуриш тўғрисида қарор мавжудлиги;

- ер майдони мавжудлиги, ернинг эгаси давлат ёки хусусий инвестор бўлиши мумкин;

- муҳандислик инфратузилмаси мавжудлиги (электр таъминоти, канализация, газ ва сув таъминоти, телефон алоқаси ва коммуникация);

- транспорт инфратузилмаси (темир ва автомобиль йўли мавжудлиги ёки унга яқин бўлиши, машина турар жойи, ёқилғи қуйиш шохобчаси);

- бошқарув компанияси мавжудлиги;

- молия инфратузилмаси (банк, кредит тапқилотларининг яқин бўлиши);

- ижтимоий инфратузилма (дўкон, тиббиёт пунктлари, овқатланиш объектлари, ҳордиқ чиқариш зонаси).

Булардан ташқари, индустриал паркнинг инфратузилмаси таркибида тайёр офис, лаборатория, омборхоналар, зона ишчилари учун турар жой комплексининг мавжудлиги нормал ҳолат деб қаралади.

- имтиёзлар: солиқ имтиёзлари, инвесторларни давлат томонидан моддий қўллаб-қувватлаш, энг муҳим муҳандислик инфратузилма объектларларини қуришни ҳамкорликда молиялаштириш, фоиз ставкаларини субсидиялаш;

- индустриал парк ихтисослашувини эътиборга олган ҳолда унинг ҳудудини ривожлантиришнинг ягона концепцияси, парк ҳудудида қуриладиган объектларининг жойлашув режаси, маркетинг стратегияси;

- бозорга чиқиш имконияти;

- табиий ва меҳнат ресурсларини олиш имконияти.

Индустриал паркка қўйиладиган талаблардан бири ўзаро яқин жойлашган ишлаб чиқаришларни атроф-муҳитга интеграл таъсир ва уларни ёнма-ён қуриш мумкинлиги. Индустириал паркнинг асосий хусусиятларидан бири, уларни давлатга, муниципал ҳокимият ва юридик шахсларга қарашли ер участкаларида барпо этиш мумкинлиги. Россия Федерациясида Индустириал паркми ёки саноат зонаси, уларни бошқарув компанияси бошқаради.

Бошқарув компанияси конкурс асосида танланади. Бошқарув компаниясининг хизмат турлари кўп бўлиб, ўз ичига қуйидагиларни олади: ер майдонини индустириал паркка мослаштириш учун режалаштириш билан боғлиқ ҳужжатларни тайёрлаш; инфратузилма объектларини режалаштириш ва қуриш; парк инфратузилмаси объектларини қуриш ва ундан фойдаланишни ташкил этиш; ҳудудни геологик тадқиқ этиш; ер майдонлари, бинолар ва инфратузилма объектларини ижарага бериш ёки сотиш; иқтисодий паркни барпо этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш билан боғлиқ барча ишларни бажариш учун молия маблағларини топиш ва жалб этиш; муҳандислик тармоқларига, иқтисодий парк объектлари комплекси ва резидентларга хизмат кўрсатиш; корхоналарни парк ҳудудида жойлаштириш учун резидентларга ёрдам бериш, керакли меҳнат, энсржетик, табиий ва бошқа ресурслар билан таъминлаш; резидентларнинг бухгалтерия ҳисоби, молиявий, юридик, иқтисодий масалалари, логистика ва божхона бўйича иш фаолиятини амалга оширишда аутсорсинг хизматини таклиф қилиш; индустириал зонани кўриклаш, ҳудуднинг тозалигини таъминлаш, ёнғинга қарши хизматни йўлга қўйиш ва ҳоказо.

Индустриал парklar, резидентларга кўрсатиладиган хизматлар тури бўйича халқаро таснифга кўра, икки турга бўлинади [24],[97]:

- **Greenfield** – индустириал парк ишлаб чиқариш бинолари ва ишоотларини қуриш учун ер майдони таклиф қилади ва талабга кўра қурилиш хизматлари кўрсатади. Устун томони, тадбиркор ўз хоҳишига кўра ишлаб чиқариш объектларини қуради. Камчилиги: қурилишни нолдан бошлаш катта маблағ талаб этади ва қурилиш вақт бўйича чўзилиб кетиши мумкин.

- **Brownfield** – индустириал паркда ишлаб чиқариш бинолари мавжуд, олдиндан қурилган ва улар резидентларга сотиш учун

ёки ижарага бериш учун тайёр. Устун томони: тайёр ишлаб чиқариш бинолари, камчилиги: ишлаб чиқариш учун мос бўлмаган биноларни бузиб, қайта қуриш учун қўшимча капитал сарфлаш.

Индустриал паркнинг резиденти – бошқарув компанияси билан шартнома асосида индустриал парк ҳудудида ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс. Фикримизча, КСЗлар резидентларини аниқ белги-лаш муҳим ташкилий масалалардан бири ҳисобланади.

КСЗнинг потенциал резидентларини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари.
2. Республика ёки хорижий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш компанияларининг ваколатлари ёки филиаллари.
3. Таъминотчи компаниялар ваколатхоналари (шу билан бирга хорижий).
4. Банк, божхона, маркетинг, суғурта ва биржа филиаллари⁶.

2-4 бандларнинг киритилиши КСЗларни иқтисодий алоқаларини, ҳамкорликда ишлаш имкониятларини кенгайтиради.

Индустриал паркларга резидентларни танлов асосида жойлаштириш учун айрим талаблар ҳам қўйилган. Хусусан, молиявий, бюджет ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг қийматига қуйидаги талаблар қўйилади:

- соф келтирилган қийматнинг мусбат бўлиши, яъни ($NPV > 0$);
- ички даромадлилик ставкаси ($IRR > 0,1$);
- қоплаш муддати – 7 йилдан кам бўлиши керак;
- даромадлилик индекси (PI) 1дан юқори;
- бюджет самарадорлиги индекси 1дан катта.

Ушбу кўрсаткичлар индустриал паркка жойлашадиган хар бир инвестицион лойиҳа бўйича ҳисобланади. Ушбу талаб кўрсаткичларини Ўзбекистон шароитидаги КСЗларга қўйиладиган инвестицион лойиҳаларга нисбатан мослаштириб қўллаш, фикримизча, мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

Умуман, саноати ривожланган давлатларда саноатни ҳудудий ташкил этиш шакллари жуда яхши ривожланган ва бу соҳада катта, бой тажриба тўпланган. Ушбу тажрибадан фойдаланиш

⁶ 2-4 бандлар муаллиф томонидан киритилди.

Ўзбекистонда КСЗларни барпо этиш ва ривожлантиришни назарий ва амалий жиҳатдан юкори даражага кўтариш имконини беради. КСЗларни барпо этишни рағбатлантириш ва фаоллаштириш саноат ишлаб чиқариш ҳажми янада ошишига, илғор технологиялар ва инновациялардан фойдаланишни тезлаштириш орқали рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ошишига, янги иш ўринларини яратишга олиб келади. КСЗлар тадбиркорлар харажатини тежайди, натижада КСЗларни республиканинг саноати паст даражада ривожланган туманларда ривожлантириш имкониятлари кенгайди. Ўз навбатида, туманлар ва ҳудудларни саноат ривожланган ҳудудларга айланишига замин яратади.

КСЗларда яратилган шароитлар уларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш билан бирга, ҳудудда ишбилармонлик муҳитини фаоллаштиради. КСЗларнинг ривожланиши ҳудуд иқтисодиётига мультипликатив таъсир кўрсатиш орқали унинг янада ривожланишини таъминлайди.

Ҳозирги вақтда кичик бизнесни ривожлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали йўлларида бири кичик саноат зоналари ҳисобланади (КСЗ). Кичик саноат зоналар ҳудудларни ривожлантиришга катта имкониятлар яратади. Хусусан, саноат ишлаб чиқаришини жадаллаштиради, ҳудудларнинг тадбиркорлик учун инвестицион жозибадорлигини оширади, янги инвестиция ва янги технологияларни жалб этишга, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва уларнинг ривожланишига кенг имкониятлар яратиб беради, аҳоли учун иш жойларини яратиш ҳамда янги рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга олиб келади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2014 йил 3 июлдаги ПҚ-2200-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли ташкилотларнинг фойдаланилмаётган ҳудудларини ҳамда ортиқча ишлаб чиқариш майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2014 йил 15 июндаги 192-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги “Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги

низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 378-сонли қарори билан тасдиқланган Низом республикамиз ҳудудларида кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришга ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Кичик саноат зоналар учун ажратиладиган жойларда маълум даражада ишлаб чиқариш инфратузилмаси мавжуд, яъни, ер майдони, сув, газ, электрэнергия билан ва магистрал автомобиль йўлларига чиқиш йўли билан таъминланган, етишмайдиган объектлар давлат маблағи ҳисобидан қурилади. Россия Федерациясида ўтказилган тадқиқотларга кўра, парк инфратузилма билан таъминланган бўлса, корхоналар 20 фойизгача инфратузилма объектларига бўладиган харажатларни тежайдилар. Бу тадбиркорларнинг ўз ишларини йўлга қўйиш учун сарфланувчи бошланғич харажатларни кескин камайтиришга олиб келади ва бизнесни бошлашни тезлаштиради. Кичик саноат зоналари учун ажратиладиган майдонлар тадбиркорлик субъектларига минимал ставка билан, қўшимча коэффициентларсиз узок муддатга ижарага берилади. Улар учун зарур бўлган ташқи муҳандислик коммуникация ва инфратузилма объектлари қурилиши ДАК “Ўзбекэнерго”, АК “Ўзтрансгаз” ва маҳаллий ҳокимиятлар бюджети маблағидан амалга оширилади ва кичик саноат зонада жойлашган тадбиркорлик субъектлари электрэнергия ва табиий газ билан мунтазам равишда таъминланади.

Кичик саноат зоналарида тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш танлов асосида амалга оширилади. Бундай ёндашув кичик саноат зоналарига рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи, яъни замонавий техника ва технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўювчи тадбиркорларни жалб этишга имконият яратади ва кичик саноат зоналарининг рақобатбардорлигини оширади.

Майдони 10 гектар ва ундан кўп бўлган ҳудудга эга саноат зоналари учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузурида кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияси ташкил этилади. Худди шундай, 10 гектардан кам ҳудудга эга бўлган, битта туман доирасида жойлашган саноат зоналари учун тегишли туман ҳокимликларида ҳам кичик саноат зоналарини бошқариш ягона

дирекциялари давлат унитар корхоналари шаклида ташкил этилади. Дирекциялар саноат зоналари қатнашчилари билан танлов комиссияси қарорига асосан узок муддатли шартномалар тузади, саноат зоналари ҳудудида хизмат кўрсатиш ишларини амалга оширади, шартномалар бажарилиши юзасидан мониторингни амалга оширади, кичик саноат зона ҳудудини кўриқлаш хизматини ташкил этади. Дирекциялар кичик саноат зоналар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ишларни тезлаштиришга хизмат қилади.

Кичик саноат зоналари самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- кичик саноат зоналарида кичик бизнес субъектларига умумий хизмат кўрсатувчи тузилмаларни ташкил этиш қўшимча самарага олиб келади. Масалан: ягона оғборхона хизмати, транспорт хизмати, ускуна ва технологияларни таъмирлаш хизмати, таъминот хизмати, кўриқлаш хизмати ва бошқалар.

- кичик саноат зоналаридаги тадбиркорлик субъектлари ўртасида кооперацияни йўлга қўйиш ҳам синергия самарасига олиб келади, бошқа томондан, ҳар бир тадбиркорлик субъекти амалга ошира олмайдиган йирик лойиҳаларни амалга оширишга имконият яратади. Масалан, қимматбаҳо янги ускуна ёки технологияни сотиб олиш, экспортни қўллаб-қувватлаш, қўшимча ишлаб чиқриш цехларини ташкил этиш, логистика хизматларини кенгайтириш сингари масалалар ҳамкорликда амалга оширилиши яхши самара беради. Юқоридагилар кичик саноат зоналарининг ишлаб чиқариш харажатларини қискартириш ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга олиб келади.

КСЗларни барпо этишни ташкил этиш масалалари, зоналарнинг ўзини ишлаб чиқариш субъектларини жойлаштиришга тайёрлаш билан боғлиқ ишларни амалга оширишни талаб этади. Майдонларни текислаш, муҳандислик-коммуникация элементларини барпо этиш, марказий автомобиль йўлига чиқишни таъминловчи йўлни қуриш, зона атрофини ўраш, зонада қанча кичик бизнес субъектларини жойлаштириш мумкинлигини аниқлаш, тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш объектларини аниқлаш ва уларни жойлаштириш, ҳар бир тадбиркорлик субъекти учун қанча жой ажратиш керак, ишлаб чиқариш турларини ёнма-ён, биргаликда санитар нормаларга мос

холда жойлаштириш, уларни бир-биридан ажратиб турувчи масофа қандай бўлиши керак деган масалаларни ҳал қилишга тўғри келади. КСЗларни барпо этишни асослашда уларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Бу ерда, биринчи навбатда, зона ҳудудига жойлаштириладиган тадбиркорлик субъектлари лойиҳалари самарадорлигини баҳолашга эътибор қаратиш зарур деб ўйлаймиз. Кейинги босқичда зона ҳудудини тайёрлаш, унда муҳандислик-коммуникация элементлари, хизмат кўрсатиш объектларини қуришга сарфланган харажатларни эътиборга олган ҳолда зонанинг умумий иқтисодий самарадорлигини баҳолаш зона фаолиятини иқтисодий асослашда муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Бундан ташқари, КСЗларнинг ижтимоий самарадорлигини баҳолаш ва унинг атроф-муҳитга интеграл таъсирини баҳолаш ҳам зоналар ташкил этилишини асослашда муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади. Бу ерда янги иш ўринларини яратиш, аҳолини даромад билан таъминлаш, атроф-муҳитга КСЗнинг салбий таъсирини минимал даражада бўлишига эришиш назарда тутилади. КСЗларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш қуйидаги босқичлар бўйича амалга оширилиши мумкин:

- ҳудудни тайёрлаш, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини яратишга қилинган харажатларни аниқлаш, яъни, сув, газ, электр энергияси таъминоти ва автомобиль йўлларини яратиш сарфлари;

- ҳар бир тадбиркорлик субъекти лойиҳасининг самарадорлигини унинг бизнес режасига кўра аниқлаш;

- КСЗда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан тушган тушум, фойда ва хизматлар кўрсатишдан тушган фойдани ҳисоблаш;

- зоналарда кичик бизнес субъектларига умумий хизмат кўрсатувчи тузилмаларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни ҳисоблаш;

- КСЗнинг умумий самарадорлигини баҳолаш.

Хизмат кўрсатиш объектларини қуришга сарфланган харажатларни эътиборга олган ҳолда зонанинг умумий иқтисодий самарадорлигини баҳолаш зона фаолиятини иқтисодий асослашда муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 10 августдаги 3194-сонли қарорига мувофиқ Тошкент вилояти туманларида 17 та кичик саноат зонасини ташкил этиш назарда тутилган эди. Қарорга кўра, кичик саноат зоналари ҳудудида жойлашган кўчмас давлат мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўлови ноль ставкасида белгиланган ва импорт ускуналар ва бутловчи қисмлар харидига йўналтириш учун Ўзбекистон реконструкция ва ривожланиш фондидан 50 миллион доллар ҳажмида кредит линиясини очиш кўзда тутилган. Самарқанд вилоятида 14 та, Хоразмда 7 та, Сурхондарёда 9 та ва Қашқадарё вилоятида 7 та кичик саноат зонаси ташкил этиш учун ер майдонлари ажратилган. Худди шундай, мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам бўш майдонлар ва бинолар ўрнида кичик саноат зоналарини ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрининг Юнусобод, Сергели ва Яккасарой туманларидаги фойдаланилмаёган корхоналар негизида барпо этилган кичик саноат зоналари муваффақиятли фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳудудида тўқимачилик, кимё, озик-овқат, электр техникаси маҳсулотлари, мебель, замонавий қурилиш материаллари, кийим-кечак, фармацевтика ҳамда бошқа рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи 513 та кичик корхона фаолият юритмоқда. 2016 йилнинг ўзида ушбу корхоналар томонидан 1,1 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган, 140 миллион АҚШ долларидан ортиқ кийматдаги товарлар экспорт қилинган, 11 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилган. (Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги мутахассиси берган маълумот).

Бугунги кунда республикамызда бўш ер участкалари ва ишлаб чиқариш майдонларида ташкил этилган КСЗлар сони, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги мутахассисларининг берган маълумотларига кўра⁷, 96 тага етган, уларда умумий қиймати 0,77 трлн. сўмлик 1000 дан зиёд лойиҳа амалга оширилмоқда. Тўқиз мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилган. Бу лойиҳаларда асосан тўқимачилик, кимё, озик-овқат, электр техникаси маҳсулотлари, қурилиш материаллари, мебель ва бошқа харидоргир тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 2017 йилнинг ўзида КСЗнинг 44 таси ташкил этилган ва уларда 120 дан зиёд самарали лойиҳаларни жойлаштириш ишлари

амалга оширилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасида 1 та, Хоразм вилоятида 23 та, Тошкент вилоятида 17 та, Жиззах вилоятида 12 та, Андижон, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида 8 тадан, Навоий вилоятида 4 та, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларида 3 тадан кичик саноат зонаси мавжуд.

КСЗларда охирги фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишда, илмсифимли ва инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда технопаркларни ташкил этиш муҳим йўналишлардан ҳисобланади. “Технопарк” тушунчасига манбаларда ҳар хил таъриф берилади [60],[78], лекин Англиянинг илмий парклар уюшмаси томонидан берилган таъриф кўпчилик томонидан қабул қилинган. *Технопарк – ер ва кўчмас мулкка эгалик қилувчи ташкилот бўлиб, у:*

1. Олий ва таълим муассасалари билан расмий ишчи алоқага эга.

2. Унинг асосий вазифаси таълимни қўллаб-қувватлаш ва юқори илм сифимига эга, юқори технологияли компания ва корхоналарни ривожланишини таъминлаш.

3. Бошқарув вазифасини бажаради, технопарк резидентларига, технология трансферти ва бизнес билимини бериш жараёнида фаол қатнашади.

Технопарк қуриш ва юқори даражада шароитларга эга ҳудуд бўлиб, унда компанияларни, илмий тадқиқот институтлари ва лабораторияларни жойлаштириш орқали илмий тадқиқот ишлари ва янги технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни тижоратлаштириш мақсади белгиланган. Айрим муаллифлар индустриал технопарк тўғрисида фикр билдириб, уни саноат зонасига тенглаштиради.

Технопарк концепциясига кўра, унда янги технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш масаласи белгиланади, бу технопарк ҳудудида илмий тадқиқот элементи бўлишини талаб этади.

Технопарк – илмий ва инновацион инфратузилма субъекти бўлиб, илмий-техник соҳада маҳсулот ишлаб чиқарувчи илмсифимли компанияларни ривожлантириш учун керакли шароитларни яратади, у жиҳозланган экспериментал база,

ижтимоий инфратузилма ва юқори малакали кадрлар таркибига эга.

Умуман, Индустириал парк, технопарк ва КСЗларнинг фарқлари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган. КСЗлар иктисодий паркдан ҳам, технопарклардан ҳам ер майдони ва унинг таркиби бўйича, илмий тадқиқот ишларининг олиб борилиши, молиялаштириш манбаи, резидентлари, солиқ ва божхона имтиёзлари бўйича фарқ қилади.

1-жадвал

Индустириал парк, технопарк ва КСЗларнинг фарқлари⁸

Мезонлар	Индустириал парк	Технопарк	КСЗ
1	2	3	4
Олий таълим муассасалари билан алоқаси	Бўлиши мумкин	Бўлиши шарт	Йўқ
Илмий тадқиқот олиб борилади	Олиб борилмайди	Олиб борилади.	Олиб борилмайди
Иктисодий географик ҳолати	Йирик транспорт йўли ва сотув бозорига яқин	Илмий марказ ёки олий таълим муассасасига яқин	Шарт эмас
Ер майдони (худуд)	Давлат, муниципалитет, хусусий мулк бўлган ер майдонида жойлашиши мумкин. Кўп ҳолларда 100 га. атрофида	Минимал худуд бўйича талаб берилмаган, бирор бинода жойлашиши мумкин	Ер майдони давлат мулки 10 гектардан кам ёки кўп бўлиши мумкин
Илмсизимли маҳсулот ишлаб чиқариш мавжудлиги	Шарт эмас	Асосий вазифаси	Шарт эмас
Имтиёзли иктисодий шароит	Солиқ имтиёзлари, транспорт ва ер солиғи бўйича имтиёз. Мулк солиғидан озод қилинади, фойда солиқ ставкаси пасайтирилади	Солиқ имтиёзлари мавжуд: мулк солиғидан озод қилинади, фойда солиғи ставкаси пасайтирилади	Солиқ имтиёзи; божхона имтиёзи; кредит имтиёзи; ижара имтиёзи

⁸ муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Мезонлар	Индустриал парк	Технопарк	КСЗ
1	2	3	4
Асосий резидентлари	Ҳар қандай турдаги корхоналар (кичик, ўрта, йirik)	Кичик илмсигимли корхоналар	Кичик корхоналар, микрофирмалар
Инфратузилманинг барпо этилиши	Давлат маблағи, хусусий инвесторлар, давлат-хусусий сектор шерикчилиги маблағи ҳисобидан	Давлат маблағи ёки хусусий инвестор ҳисобидан	Давлат бюджети ҳисобидан
Ҳуқуқий асоси	Маҳаллий ҳокимиятнинг қарори	Маҳаллий ҳокимият қарори	ЎзР Президенти қарори ёки ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарори
Бошқарув	Бошқарув компанияси	Корхона раҳбари	Дирекция ёки ягона бош дирекция

Технопарклар технологияларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришга жорий этиш ва тижоратлаштиришга имкониятлар яратса, КСЗлар резидентларни инфратузилма билан таъминлаб, уларга ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиш учун шароит яратади.

Индустриал парк, технопарк ва КСЗларнинг умумий томонлари уларда солиқ имтиёзлари мавжудлиги ва барпо этилиши. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, КСЗ ларни мустақил иктисодий категория сифатида ўрганишимиз мумкин.

§ 1.3. Индустрал паркларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг хориж тажрибаси

Ҳозирги кунда саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни илғор технология ва инновациялар асосида ривожлантириш ва илмсигимли, ракобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда индустрал зона, парк, саноат зоналарининг аҳамияти, илғор хорижий давлатлар тажрибасига кўра, йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бундай саноат

ишлаб чиқариш тузилмалари АКШда ва Европа Иттифоки давлатларида индустриал парк, Россия Федерациясида индустриал парklar, зоналар ва саноат зоналари, Италияда саноат округлари, кластерлар, Хитой Халқ Республикасида саноат районлари ва зоналари сифатида кенг тарқалган.

Сотиш бозорларини эгаллашдаги ракобатнинг ортиб бориши шароитида ракобатбардош махсулот ишлаб чиқаришни таъминлашнинг асосий йўли индустриал парк, зона ва саноат зоналари бўлиб қолмоқда. Буларнинг умумий томонларидан бири, хорижий тажрибадан маълумки, уларда ишлаб чиқариш, илмий тадқиқот муассасаси, тажрибали конструктив ишланмалар билан боғлиқ ҳолда амалга оширилмоқда. Малакали кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳам кадрлар тайёрлаш агентликлари ва олий ўқув юртлари билан қатъий алоқаларнинг ўрнатилиши орқали тўғри йўлга қўйилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни самарали ривожлантиришда инновацион бизнес, яъни технопарк ва бизнес инкубаторларга ҳам катта эътибор берилмоқда. Умумий томони, уларни ташкил этиш ва ривожлантириш давлат ва маҳаллий ҳокимият томонидан қўллаб-қувватланади.

Уқорида келтирилган тузилмалар ташкил этилишидаги ўзига хос хусусиятлар билан республикамизда барпо этилаётган КСЗлардан мутлақ ажралиб туради. Лекин ривожланган хорижий давлатларда ушбу тузилмаларни барпо этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тажрибаси, давлат ва хусусий сектор шерикчилиги тажрибасини республикамизда ҳудудий саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва КСЗларни барпо этиш ва ривожлантиришда, шароитга мослаштирилган ҳолда фойдаланилса, фойдалан холи бўлмасди.

Индустриал парklar халқаро таснифга кўра икки турга бўлинади⁹:

Гринфилд – ҳеч нарса қурилмаган ер майдони;

Браунфилд – муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, инфратузилма объектлари, ишлаб чиқариш бинолари қурилган ер майдони.

Гринфилдлар ҳам уч турга бўлинади: давлат гринфилди, хусусий гринфилд ва аралаш гринфилд. Гринфилд лойиҳасига

⁹ Чувардинский И.В. Формирование индустриальных парков. [www. keypartner.ru](http://www.keypartner.ru)

кўра, парк янги, илгари ҳеч қандай ишлаб чиқариш жойлашмаган ер майдонида ташкил қилинади. Устун томони: бино, иншоотлар буюртмачи талабига мос ҳолда қурилади. Браунфилдлар эса давлат браунфилди ва хусусий браунфилд турларига бўлинади. Гринфилд ва браунфилдларни молиялаштириш механизмлари қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Индустриал паркларни молиялаштириш механизмлари¹⁰

Индустриал парк Турлари	Ер, мулк эгаси	Инфратузилма
Давлат гринфилди	Ер майдони давлат ёки муниципал мулки	Инфратузилма давлат бюджети томонидан молиялаштирилади
Хусусий гринфилд	Ер майдони хусусий мулк ёки лойиҳани амалга оширувчи томонидан ер, ер эгасидан ижарага олинган	Инфратузилма хусусий маблағ ҳисобидан молиялаштирилади, лекин давлат субсидиясидан фойдаланиш мумкин
Аралаш гринфилд	Ер майдони, акционерлик жамияти мулки. Акциялар давлат ва хусусий сектор томонидан бўлиб олинган. Объектлар давлат-хусусий сектор маблағи ҳисобидан шерикчилик асосида барпо этилади	Инфратузилма объектлари давлат-хусусий сектор шерикчилигида молиялаштирилади. Объектларнинг бир қисми хусусий сектор томонидан молиялаштирилади
Давлат браунфилди	Ер майдони, инфратузилма объектлари, бинолар, иншоотлар давлат мулки ҳисобланади	Индустриал паркни ривожлантириш, объектларни қайта тиклаш, инфратузилма объектларини модернизация қилиш давлат бюджети маблағи ҳисобидан амалга оширилади
Хусусий браунфилд	Ер майдони ва ундаги барча объектлар хусусий мулк ҳисобланади	Инфратузилма хусусий маблағ ҳисобидан молиялаштирилади, давлат субсидиясидан фойдаланиш мумкин

¹⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Индустриал паркларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, нафақат федерал даражада, балки минтақа даражасида ҳам фаол қўллаб-қувватланмоқда. Парк худуди инфратузилмасини шакллантириш, энергетика объектларини барпо этиш, муҳандислик тармоғи, сув таъминоти ва оқова сув тармоқларини барпо этиш минтақалар томонидан (муниципал органлар) молиялаштирилади. (3-жадвал)

Индустриал паркларнинг барпо этилиши минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини таъминлайди, минтақадаги ижтимоий масалаларни ҳал этишга олиб келади. Индустриал паркларнинг барпо этилиши минтақага инвестицияни жалб этиш ва саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг энг яхши усули сифатида ўрганиш мумкин. Минтақадаги давлат органлари индустриал парк орқали минтақага катта инвестицион лойиҳа олиб кирувчи йирик компанияларни жалб этишга ҳаракат қилади. Индустриал парк барпо этишнинг ўзи жуда катта инвестиция талаб этади, бундан ташқари, парк худуди инфратузилмасини шакллантиришга тўғри келади. Индустриал парклар барпо этилиши минтақаларни иқтисодий ривожланишини таъминлайди, минтақадаги ижтимоий масалаларни ҳал этишга олиб келади.

Шу сабабли, инвесторлар инвестиция киритишдан олдин барпо этиладиган индустриал паркларнинг ҳолатига эътибор берадилар. Индустриал паркларнинг йирик инвесторларни жалб этиш бўйича рақобат кўрсаткичларига қуйидагилар қиради: малакали меҳнат ресурслари ва молиявий институтлар мавжудлиги, транспорт ва бошқа инфратузилмаларнинг ривожланганлик даражаси, энергетик ресурслар билан таъминланганлик даражаси ва сотиш бозорлари яқинлиги. Индустриал паркларни барпо этишдан манфаатдор томонлар: минтақа ҳокимият органлари, парк ихтисослигини белгиловчи йирик инвестор, резидентлар ва бошқарув компанияси ҳисобланади.

Индустриал паркларни барпо этишга бўлган асосий тўсик: катнашчиларда молия ресурсларининг етишмаслиги. Шунинг учун ҳам бу муаммони ҳал этишда федерал ва минтақа ҳокимият органлари паркда жойлашувчи компанияларни қўллаб-қувватлашига зарурат туғилади ва бу ерда давлат ва бизнес биргаликда самарали ҳаракат қилишига тўғри келади.

**Индустриал паркларни федерал ва минтақа даражасида
давлат томонидан қўллаб-қувватлаш¹¹**

Қўллаб-қувватлаш шакли	Федерал даражада	Минтақа даражасида
1. Бюджет ҳисобидан қўллаб-қувватлаш		
•Кредит фоиз ставкасини субсидиялаш		+
•Инвесторлар мажбурияти бўйича давлат ва муниципал томонидан кафолатлаш		+
2. Инвестицион дастурлар		
• Транспорт ва энергетик инфратузилмаларни ривожлантириш дастурлари	+	+
3. Инвесторларни қўллаб-қувватлаш		
•Солик имтиёзлари: фойда солиғи ставкасини пасайтириш; ер ва транспорт солиғидан озод қилиш		+
4. Корхоналар эҳтиёжидан келиб чиқиб мутахассис кадрлар тайёрлаш	+	
5. Паркларни барпо этиш ва ривожланишини ахборот ва маслаҳат бериш орқали қўллаб-қувватлаш		+

Россия Федерациясида ўтказилган тадқиқотларга кўра, парк инфратузилма билан таъминланган бўлса, корхоналар 20 фоизгача инфратузилма объектларига сарфланувчи харажатларни тежайди. Инвесторлар кўп ҳолларда зона инфратузилма билан таъминланган бўлмаса, бошқа инфратузилма объектлари қурилган минтақага кетиши мумкин. Бундай ҳолат минтақа ҳокимият органларини зона ҳудудини керакли қурилмалар билан таъминлашда фаол ҳаракат қилишга ундайди.

Индустриал зоналарни барпо этишнинг самарали усулларида бири – давлат-хусусий сектор шерикчилиги. Давлат-хусусий сектор шерикчилиги (ДХСШ, инглиз тилида: PPP – Public Private Partnership) бу давлат билан хусусий сектор ўртасида ҳамкорлик қилиш шакли бўлиб, у муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган.

¹¹ Чувардинский И.В. Формирование промышленных парков. [www. keypartner.ru](http://www.keypartner.ru)

В.Г.Варнавский томонидан [35] ДХСШнинг шартнома ва концессион шакли таклиф этилган. Шартнома шаклида ижтимоий муҳим лойиҳаларни амалга оширишда хусусий бизнесни жалб этиш назарда тутилган, бунда масъулият давлат органлари зиммасида бўлади.

Концессия – келишув шаклида давлат билан хусусий компания ўртасида келишув тузилади ва унда келишилган шартларга кўра фойдаланиш учун корхона ёки ер майдони, шу билан бирга бино ва иншоотлар куриш ҳуқуқи берилади. ДХСШнинг ҳуқуқий базаси махсус ишлаб чиқилган давлат қонуни ҳисобланади. Россия Федерациясида ДХСШнинг ҳуқуқий асосини “Россия Федерациясида давлат хусусий шериклиги асослари тўғрисида”ги қонуни ташкил этади.

ДХСШнинг институтлари сифатида банклар, инвестицион фондлар, давлат компаниялари ўрганилади. ДХСШнинг инструментларига қуйидагиларни киритиш мумкин: концессион келишув, бюджетдан фойдаланиш бўйича инвестицион келишув. ДХСШнинг концессия шаклидан кўпроқ инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда фойдаланилади. Масалан, ижтимоий, коммунал, транспорт ва энергетика соҳаларида.

Концессия хусусий маблағни лойиҳага тортиш орқали бюджет маблағининг қисқаришига олиб келса, иккинчи томондан, замонавий, илғор, қиммат технологияни лойиҳага киритиш орқали рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Бошқа томондан, шартнома хусусий сектор ва давлатнинг ўзаро вазифалари, масъулиятини аниқ белгилайди, шу билан бирга, хусусий инвестицияни ҳимоя қилишни таъминлайди.

Туркияда саноат зоналари – ташкил этилган саноат зоналари деб юритилади. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида юзлаб кичик бизнес субъектлари ягона саноат зонасига бирлаштирилади, лекин уларнинг юридик ва иқтисодий мустақиллиги сақланиб қолинади. Ташкил этилган саноат зоналарини барпо этиш бўйича қарорни давлат органлари тармоқ уюшмалари ва маҳаллий тадбиркор уюшмаси билан биргаликда қабул қилади. Лойиҳалар давлат томонидан моддий қўллаб-қувватланади, молиявий таъминоти давлат маблағи ёки хусусий маблағ ҳисобидан амалга оширилади. Бўлажак бино, иншоотлар ва цех хоналарини куриш махсус фирмалар томонидан амалга

оширилади, қурилиб битган бино ва хоналар кичик корхоналарга сотилади.

Лойиҳага кўра, ташкил этилган саноат зоналарида химия лабораториялари, устахона, ўқув маркази, ижтимоий объектларни қуриш ҳам кўзда тутилган. Зона махсус ташкил этилган фирма томонидан бошқарилади ва унинг асосий вазифаси – инфратузилма объектлари ва техник хизмат фаолиятини ташкил этиш.

Туркияда биринчилар қаторида ташкил этилган саноат зонасига мисол сифатида Истанбул шаҳрига яқин жойлашган Тузла зонасини келтириш мумкин. Зона чарм буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Унда 223 та компания чармни қайта ишлаш билан шуғулланади, 150 та фирма эса чарм маҳсулотлари учун қисмлар ишлаб чиқаради. Инфратузилма объектларининг 90 фоизи давлат маблағи ҳисобидан молиялаштирилган, қолган 10 фоизи банк кредити ва шу зонада келажакда фаолият юритувчи тадбиркорлар маблағи ҳисобидан молиялаштирилган.

Индустриал парк нафақат ишлаб чиқариш бинолари йиғиндиси, балки ҳақиқий концептуал объект ҳамдир. Индустриал парк концепцияси ижарачиларни маҳсулот ишлаб чиқаришига мос келувчи ҳажм ва шаклдаги ишлаб чиқариш майдонлари, шу билан бирга, маълум тармоқ маҳсулотини ишлаб чиқаришга мўлжалланган, ихтисослашган зона майдони.

Индустриал паркларнинг гринфилд ва браунфилд турлари билан КСЗларнинг устун ва заиф томонларини ўрганамиз (4-жадвал). Индустриал паркларнинг “Ядро”си сифатида йирик ихтисослашган ишлаб чиқариш компанияларининг жойлашуви, инфратузилма объектлари, ишлаб чиқариш бино ва иншоатларини қуриш ва реконструкция қилишга тўғри келади ва бу жараён жуда катта маблағ талаб этади. Шу сабабли, индустриал паркнинг гринфилд ва браунфилд турлари ўзларининг устун томонлари билан бир қаторда, катта инвестицион харажатларга олиб келиши мумкин. КСЗларда асосан КБХТ субъектлари жойлашгани учун уларни мавжуд ишлаб чиқариш биноларида жойлаштириш осонроқ ва бу кам харажатлар билан хоналарни ишлаб чиқаришга мослаштириш имконини беради.

Индустриал паркларга хизмат кўрсатиш ҳам турлича. Шу сабабли индустриал паркларга кўрсатиладиган хизматларни ҳам тахлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

4-жадвал

Индустриал паркларнинг гринфилд ва браунфилд турлари билан КСЗларнинг устун ва заиф томонлари¹²

Парк турлари	Гринфилд	Браунфилд	КСЗ
Характеристикаси	Ишлаб чиқаришга мўлжалланган, буюртмачи талабига мос ҳолда қуриладиган бино, иншоотлар учун ажратилган ер майдони.	Резидентларга сотиш ёки ижарага бериш учун тайёрланган ер майдони ва бинолар.	Зона катнашчиларига ижарага бериладиган тайёр ер майдони.
Устун томони	Ўз ишлаб чиқаришига мос ҳолда лойиҳалаштириш ва шу лойиҳага кўра бинолар, иншоотларни қурадиган ер майдони.	Лойиҳани ишга тушириш муддати қисқаради, коммуникацияларни лойиҳалаштириш, қуриш ва зонага олиб келиш харажатларини молиялаштириш қисқаради.	Лойиҳани ишга тушириш муддати қисқаради. Коммуникацияларни лойиҳалаштириш, қуриш, олиб келиш харажатлари қисқаради.
Камчилиги	Коммуникацияларни лойиҳалаштириш, қуриш, олиб келиш молиявий харажатларнинг кўшимча сарфи ва лойиҳани ишга тушириш муддати чўзилиши. Мутахассис кадрлар билан таъминлаш муаммоси ижтимоий инфратузилма	Ишлаб чиқаришга мос келмаган объектларни бузиш, қайта қуриш билан боғлиқ ортиқча молиявий харажатлар, ҳудудни тозалаш.	Ишлаб чиқаришга қисман мослаштириш харажатларининг пайдо бўлиши.

¹² муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Вьетнамда индустриал парк резидентларига кўрсатилувчи хизматлар турига қуйидагиларни киритиш мумкин: сифатли инфратузилма хизмати; логистика хизмати; тайёр sanoat бинолари; зона худудларида божхона пости. Булардан ташқари, зона аниқ устувор йўналишларга эга ва ихтисослашган.

Словениядаги “Chemro” индустриал парк ўз резидентларига бир қатор хизматлар кўрсатади, жумладан: sanoat оқава сувларини тозалаш; техник хизмат кўрсатиш; sanoat чиқиндиларини утилизация қилиш; химия лаборатория хизмати; телекоммуникация ва почта хизмати; sanoat объектларини лойихалаштириш; қурилиш ишлари хизмати; компьютер хизмати; ошхона ва буфетлар.

Milton Park (Англия)[119] ўз худудида қуйидаги инфратузилма хизматларини йўлга қўйган: кафе-ресторанлар, минисупермаркет, бадий гимнастика хизмати, бассейн, сауна, гўзаллик салони, автомобиль сервис, электричка ва асосий магистралга чиқиш йўллари, болалар боғчаси, почта, кимёвий тозалаш, саклаш камераси хизмати, кечаю кундуз интернетга бепул кириш хизмати (Wi-Fi).

Индустриал парк ZETA (Коста Рика) [122] қуйидаги хизматларни кўрсатади: ишчи кучи захираси ва маълумотлар базаси, ўқув маркази, божхона хизмати, маъмурий ёрдам, қўриқлаш хизмати, интернет хизмати, умумий техник хизмат кўрсатиш, тозалаш иншоотлари, парк ишчилари учун арзон уй-жой, автомобиль қўйиш шахобчаси, соғлиқни саклаш маркази, банк хизмати, болалар боғчаси.

Mid Amerika Industrial Park [123] ўз худудида қуйидагиларга эга: ўқув марказлари, соғлиқни саклаш клиникаси, савдо маркази, авария хизмати, резидентлар учун иккита газ компанияси, кўргазма зали, бизнес инкубатор, минтақавий аэропорт.

Хорижий давлатлар тажрибасига кўра, индустриал парклар ўртасида резидентларни жалб этиш бўйича рақобат мавжудлигини кузатиш мумкин. Чунки минтақа sanoat зонасига, унинг ривожланиш концепциясига кўра, канча кўп резидентлар жойлашса, минтаканинг иктисодий ривожланиш имконияти шунча ошади, бу ўз навбатида, минтақа бюджетига тушум ортишига ва унинг ижтимоий ривожланишига олиб келади.

Булардан ташқари, индустриал парклар, уларнинг таркибига кириш қиймати ҳам ҳар хил. Индустриал парк учун тайёрланган ер майдони бўйича қарасак, АҚШнинг Huntsville саноат паркида 1 гектар ер нархи 62500 АҚШ долларидан 300000 долларгача (1 кв.м. учун эса 6,25 доллардан 30,0 долларгача).

Японияда эса Mutsu-Ogawara Industrial Park (префектуре Аомори), 1 га. ернинг сотиб олиш нархи 18 млн.рубль ёки 1 кв.м. 5000 иен. Саноат ер участкаларининг ижара нарҳини қарасак, Токио минтақасида 1 гектар ернинг ижара нарҳи – 10000 доллар, Осака шаҳри атрофида 1 гектар – 9000 доллар, Нагосада – 5500 АҚШ долларини ташкил этади.

Россия Федерациясида гринфилд паркида 1 кв.м. ер майдони нарҳи 35 доллардан 60 долларгача баҳоланди. Муҳандислик коммуникацияси бўлган паркида 1 кв.м., резидентлар учун тахминан 230 долларга тушади. Татаристоннинг Елибуга районида жойлашган, саноат қурилиши учун мўлжалланган ер майдонининг ўртача нарҳи 320 руб/кв.м. Алабуга индустриал паркдан, парк резедентлари 1 кв.м. ерни 10 руб.га сотиб олиши мумкин.

Россия Федерациясида индустриал парк резедентларининг операцион харажатлари таркиби, фойзда қуйидагича (фойдадан солиқ ҳисобланмаганда):

Материалларни ташиш транспорт харажатлари	35%
иш ҳақи	14%
электр энергия	26%
мулк солиғи	5%
иситиш	17%
маҳсулот ташиш транспорт харажатлари	3%

Хориж компаниялари гринфилд парки ҳудудидан ўзига тегишли ер майдонини 2-4 йил давомида мустақил тайёрласа, жами инвестициядан 94 фоизи қурилиш ишларига йўналтирилади (лойиҳани тайёрлаш, экспертиза, руҳсат олиш, материаллар ва бажариладиган ишларнинг қиймати). Ернинг қиймати 2 фоизни, технология 4%ни ташкил этади.

АҚШнинг Mid America Industrial Park одатдаги солиқ имтиёзларидан, фойда солиғи ставкасини пасайтириш, тезлаштирилган амортизация, мақсадли солиқ имтиёзи (ўзига ҳос муҳим ишлаб чиқариш, аҳолини иш билан таъминлаш), резидентлар парк ҳудудида сотиладиган тушумдан олинадиган

солиқдан озод этилади, коммунал хизматлар тарифи ҳам пасайтирилади.

Вьетнамдаги инвестициялар тўғрисидаги қонунда (Law on Investment № 59/2005/QН11, 01.07.06.), “рағбатлантирадиган” ва “рағбатлантириш муҳим” бўлган инвестицион секторга қуйидагилар қиради: инфратузилма (темир йўл, йўллар, портлар); ўрмон дарахтларини қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги; сувни қайта ишлаш, тозалаш; қайта тикланувчи энергия; ахборот технологиялари; янги материаллар ишлаб чиқариш, энергия, юқори технологияга асосланган маҳсулот, биотехнология, АТ маҳсулотларини ишлаб чиқариш; экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш, индустриал паркларда ижтимоий инфратузулма қуриш (5-жадвал).

5-жадвал

Вьетнамда инвестиция киритувчи корхоналар учун имтиёзли корпоратив фойда солиғи ставкалари¹³

Кўрсаткичлар	Фойда солиғи	Муддати	Солиқ қаниқуллари	Корпоратив фойда солиғи 50% тўлаш Вақти
“Рағбатлантирилган” янги лойиҳалар	20,00 %	10 йил	Фойда олинган йилдан бошлаб, 2 йилга	Солиқ қаниқулидан кейин 3йил
“Рағбатлантириладиган” зоналардаги лойиҳалар	20,00 %	10 йил	Фойда олинган йилдан бошлаб, 2 йилга	6 йил
“Рағбатлантириладиган” зоналарда “рағбатлантириладиган” янги лойиҳа	15,00 %	12 йил	Фойда олинган йилдан бошлаб, 3 йилга	7 йил
Янги “Рағбатлантирилиши муҳим” лойиҳалар “Рағбатлантирилиши муҳим” зоналарда	10,00 %	15 йил	Фойда олинган йилдан бошлаб, 4 йилга	9 йил

¹³ ст. 28-37 Law on Investment № 59/2005/QН 11, 01.07.06.

Вьетнамда “Рағбатлантириш муҳим” бўлган индустриал зоналар ва “Рағбатлантириш муҳим” бўлган лойиҳалар экспертлар ёрдамида ажратилади ва уларга имтиёзлар белгиланади. Бундай имтиёзларнинг устун томони шундаки, улар бизнес инвестиция киритишга бормайдиган инфратузилма объектларини куриш, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ва янги юқори технологияга асосланган янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга замин яратади.

Францияда янги барпо этилаётган кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда бир қатор имтиёзлар белгиланган.

Саноат ва савдо соҳасида янгидан ташкил этилган кичик корхоналар учун имтиёзлар:

- фойда солиғидан 2 йилга тўлиқ озод этилади, учинчи йилда 75 фоизга озод этилади, тўртинчи йилда 50 фоизга, бешинчи йилда 25 фоизга озод этилади;

- кўрилган зарарни 3 йилга орқага ва 5 йилга олдинга суришга рухсат берилади;

- тезкор амартизациянинг юқори ставкаси машина ва ускуналар баланс қийматининг 30 фоизини ташкил этади;

- ер участкасига, бино ва ускуналарга кўйилган инвестициянинг 25 фоизи субсидияланади;

- солиқ чегирмаси имтиёзи ва имтиёзли қарз бериш (кенг тарқалган имтиёзлар).

Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан бериладиган имтиёзлар:

- ерни паст нархда сотиш ёки ижарага бериш;

- персонални бепул ўқитиш;

- малака солиғидан тўлиқ ёки қисман 5 йилга озод этиш.

Булардан ташқари, кўйилган инвестициялар куйидаги йўналишларга киритилса, кенг ва юқори имтиёзлар белгиланган:

- иш билан бандликни оширса, бандликни сақлаб туриш ва иш ўринлари шароитини яхшилашга олиб келса;

- экспортни оширса;

- қайта ишлаш саноати самарадорлигини оширса;

- янги технологияни жорий этиш ва янги маҳсулот ишлаб чиқариш;

- хомашё ва энергияни тежашга олиб келса;

- тажрибали конструктор ишланмаларини рағбатлантирса.

Юкорида тахлил қилинган ҳудудий саноат ишлаб чиқариш тузилмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни давлатлар миқёсида ўргансак, улар таркиби ва миқдори бўйича бир-биридан фарқ қилади. Бу қўллаб-қувватлашнинг умумий томони, минтақада саноат ишлаб чиқаришни юкори технология ва инновацияга асосланган ҳолда ривожлантириш, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, минтақа аҳолисини иш билан таъминлаш ва пировардида мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш ҳисобланади.

Юкоридаги қиёсий тахлилларга кўра, Ўзбекистонда ташкил этилаётган КСЗларнинг заиф томонларини куйидагилар билан изохлаш мумкин:

Биринчидан, уларда технологик, инновацион ривожланиш даражаси пастлиги.

Иккинчидан, КСЗларни шаҳар, шаҳар чети ва туман ҳудудларида жойлаштиришда дифференциал, илмий асосланган ёндашув мавжуд эмаслиги.

Учинчидан, КСЗларни махсулот ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси, инновациялардан фойдаланиш даражасига кўра шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилмаганлиги.

Тўртинчидан, КСЗларни илмий-тадқиқот институтлари ва университетлар билан ҳамкорлик алоқаси йўлга қўйилмаганлиги, технопарк, бизнес инкубаторларни ташкил этиш ва ривожлантириш йўлга қўйилмаганлиги. Шунинг учун ҳам, КСЗларнинг технологик ва инновацион ривожланишини таъминловчи механизмларни аниқлаб, уларнинг фаол ишлашини таъминлаш бугуннинг стратегик масалаларидан бири ҳисобланади.

Россия Федерациясида индустриал паркларни қўллаб-қувватлашда давлат-хусусий сектор шерикчилигидан Ўзбекистон шароитида КСЗларни барпо этиш ва ривожлантиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Индустриал зоналар ва уларда жойлаштирилаётган лойиҳаларни “рағбатлантирилаётган” лойиҳа, “рағбатлантирилаётган” зона ва “рағбатланти-рилиши муҳим” лойиҳа, “рағбатлантирилиши муҳим” зоналарга ажратиб, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг Вьетнам тажрибаси ҳам жуда қизиқарли деб ўйлаймиз. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш

Франция тажрибасининг бир катор бандларидан республикамизда КСЗларни, кичик бизнесни ривожлантиришда фойдаланиши самарали натижаларга олиб келиши мумкин. Айниқса, кичик бизнесни 2 йилга фойда солиғидан озод этилгандан кейинги солиқни босқичма-босқич камайтириш, имтиёзли қарз бериш, тезкор амартизация, янги технологияни жорий этиш, энергияни тежаш, импорт ўрнини босиш, экспортни оширишга олиб келувчи инвестициялар учун имтиёзларни яратиш, КСЗларни барқарор, юқори технологияга асосланган ҳолда ривожлантиришга эришиш мумкин бўларди.

1-БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Кичик саноат зонасининг асосий хусусиятлари ва вазифалари ёритиб берилган. Кичик саноат зонасининг асосий хусусиятлари куйидагилардан иборат:

- зона инфратузилма объектлари билан таъминланган, газ, электр энергияси, ишлаб чиқариш бинолари, асосий магистрал йўлларга чиқиш йўллари;

- зонанинг ер майдони, ишлаб чиқариш бинолари давлат мулки ҳисобланади ва улар КБХТ субъектларига ижарага берилади.

- Кичик саноат зонаси давлат унитар корхонаси сифатида ташкил этилган, дирекция томонидан бошқарилади.

Кичик саноат зонасининг асосий вазифалари сифатида куйидагиларни ўрганиш мумкин:

- ҳудудларда бўш ётган ер ва бинолардан саноат ишлаб чиқаришида фойдаланиш;

- саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

- янги қўшимча иш ўринларини яратиш;

- ҳудуд ҳокимиятининг саноат бўйича сиёсатини амалга ошириш, саноат маҳсулотларининг устувор йўналишларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

- кичик саноат зоналарининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, илғор технологияга асосланган, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўювчи КБХТ субъектларини зонага жалб этиш;

- хорижий инвестиция иштирокидаги кичик корхоналарни зонага жалб қилиш;

- зона ичида ва ҳудуддаги бошқа корхоналар билан кооперацияларни ривожлантириш.

Кичик саноат зоналарини самарали ташкил этиш йўлларида бири уларни кластер асосида ташкил этиш.

Истиқболли бўлган, инновацион, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи КБХТ субъектларни, муҳим лойиҳа ва муҳим кичик саноат зоналарини белгилаб, уларни хорижий тажрибадан келиб чиқиб қўллаб-қувватлаш йўналишларини белгилаш муҳим йўналишлардан ҳисобланади.

2-БОБ

КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ҲАМДА ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

§2.1. КСЗларни барпо этиш ва ривожлантириш омиллари

КСЗлар мураккаб иқтисодий тизимни ташкил этади ва унга жуда кўп омиллар таъсир қилади. Ушбу омилларни аниқлаш ва тизимлаштириш КСЗларни барпо этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш ҳамда КСЗлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ёндашувлари ва воситаларини танлашда муҳим ахборот базаси бўлиб хизмат қилади.

КСЗни ягона тизим сифатида ўргансак, уни барпо этиш ва ривожлантиришга таъсир қилувчи барча омилларни ҳисобга олишга тўғри келади. Бундай омиллар тизимни ташкил этувчи омиллар сифатида ўрганилади ва улар ички ва ташқи омилларга бўлинади. Атроф-муҳит ва жамиятнинг sanoat зонасини барпо этишга таъсири ташқи омил сифатида кўриб чиқилади. Ташқи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин [49],[95]:

- табиий омиллар (иклим ўзгаришлари, географик жойлашув, экология талаблари, табиий ресурслардан фойдаланиш имкониятлари);

- сиёсий омиллар (геосиёсий ҳолат, сиёсий барқарорлик, миллатлараро тотувлик, терроризм);

- ижтимоий омиллар (ижтимоий ҳолат, аҳолининг бандлик даражаси, демографик ҳолат, аҳолини сотиб олиш қобилияти, аҳоли соғломлиги);

- давлат томонидан тартибга солиш омили (пул-кредит, бюджет-солик, давлатнинг божхона сиёсати, монополияга қарши сиёсат, ҳудудий иқтисодий сиёсат, давлат томонидан кичик бизнес ва иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ва йўналишларини қўллаб-қувватлаш даражаси, фаолият турларини лицензиялаш ва маҳсулотни сертификатциялаш, ижтимоий ва миллий

хавфсизликни таъминлашни амалга ошириш талаблари бажарилишини назорат қилиш);

- ресурс омиллари (керакли меҳнат ва моддий ресурсларни жалб этиш имконияти);

- бозор омиллари: рақобатчилар ва эркин рақобат муҳити мавжудлиги, маҳаллий истеъмолчиларнинг маҳсулотга талаби, умумун, республикада шу маҳсулотга бозор бўйича талаб мавжудлиги.

Тизимни ташкил этувчи ички омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- КСЗда жойлашган корхоналарнинг ўзаро иқтисодий муносабатда бўлиши;

- рақобатлашув бўйича алоқалар саноат зонаси таркибидаги корхоналар ўртасидаги рақобат даражаси ва шу билан бирга, бошқа корхоналар билан бўлувчи рақобат даражаси;

- кооперацион алоқалар, саноат зонаси таркибидаги КБХТ субъектлари ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқалари, КСЗдан ташқаридаги корхоналар билан бўладиган ишлаб чиқариш бўйича алоқалар;

- корхоналарнинг инновацион фаоллигини билдирувчи инновацион алоқалар, корхоналарни илмий тадқиқот ва таълим муассасалари ўртасидаги, инновацияларни ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, тарқатиш билан боғлиқ алоқалар;

- малакали кадрлар тайёрловчи таълим муассасалари билан алоқалар.

Таъсир кўрсатиши бўйича омилларнинг муҳимлигига қараб таснифлаш мумкин: доминант омиллар, яъни КСЗни ривожланишига муҳимлиги бўйича критик таъсир қилувчи омиллар ва иккинчи даражали омилларни (ривожланиш учун муҳим бўлса-да, лекин таъсири муҳимлиги биринчи даражада бўлмайди), мазмуни бўйича кўриб чиксак, истикболли омиллар (таъсири истикболда муҳим аҳамият касб этади) ва жорий саноат зоналари бугунги босқичда ривожланиши учун муҳим ҳисобланади. Булардан ташқари, фойдаланиш шаклига кўра, интеграцион омиллар (барча субъектлари учун устувор ҳисоблувчи омиллар)ни ҳам келтириш мумкин.

Бу омилларни таснифлашда ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Омилларни таснифлаш бўйича ёндашувлардан бири ишда

келтирилган. Ушбу ёндашувга кўра, омиллар қуйидаги омилларга бўлинади: ишлаб чиқариш омиллари (ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси, ишлаб чиқариш турлари ва ускуналар тури, асосий фондларнинг эскириш даражаси), моддий-техника таъминоти омиллари (материаллар захираси ва уни ошириш имкониятлари, хомашё таъминоти билан шуғулланувчи корхоналарнинг имкониятлари, ишончилиги, муқобил таъминотчилар мавжудлиги), маркетинг омиллари (маҳсулотга талаб ҳажми ва талабнинг барқарорлиги, муқобил бозорлар мавжудлиги ва уларнинг сиғими), кадрлар омили (малака даражаси, иш ҳақи даражаси, кадрлар сифати, кадрлар жинси, ёши), молиявий омил (молия маблағларини жалб этиш усули ва шакллари, кредит ресурслари мавжудлиги), илмий тадқиқот омили (илмий тадқиқот имкониятлари ва унинг сифати, илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларига сарфланувчи харажатлар). Ушбу ёндашувга кўра ҳам барча омиллар ташки ва ички омилларга, тартибга солинадиган ва солинмайдиган, аниқ ва ноаниқ омилларга бўлинади. Юқоридаги ёндашувлардан ташқари бошқа ёндашувлар ҳам мавжуд [96]. Бу ёндашувда ҳам муаллиф барча омилларни ташки ва ички омилларга ажратади. Ташки омилларга макроиктисодий, демографик, ижтимоий, технологик, сиёсий-ҳуқуқий, инфратузилма ва талаб омили киритилади. Ички омилларга эса молиявий-иктисодий, ишлаб чиқариш-технологик, кадрлар ва бошқарув, моддий таъминот омилларига бўлинади.

Шундай қилиб, омиллар таҳлиliga кўра, кўпчилик муаллифлар омилларни ташки ва ички омилларга ажратадилар. Ўз навбатида, бу омиллар гўртта: иктисодий, технологик, ижтимоий ва сиёсий гуруҳга ажратиб кўрсатилмоқда .

Миянтакада саноатни ривожлантириш соҳаси бўйича етакчи омиллар: С.Ю.Глазьев, Р.С.Гранберг ва Мазиллов миянтака саноат комплексини интенсификация ривожлантиришга олиб келадиган инновацион омилни энг асосий омил сифатида ўрганадилар.

Юқоридаги омилларни умумлаштириш ва тизимлаштириш орқали КСЗни барпо этиш ва ривожлантиришга таъсир этувчи қуйидаги омиллар таснифини тақлиф этиш мумкин: юқоридаги ёндашувларни умумлаштириш ва тизимлаштириш КСЗларни барпо этиш ва ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар таснифини тузишга асос бўлди (6-жадвал).

**КСЗларни барпо этиш ва ривожлантиришга таъсир
этувчи омиллар таснифи¹⁴**

Ташқи омиллар	Ички омиллар
<p>Табийй омиллар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • иклим ўзгаришлари; • географик жойлашуви; • экология талаблари; • табиий ресурслардан фойдаланиш имкониятлари (хомашё ресурслари захираси ва уни ошириш имкониятлари, хомашё таъминоти билан шуғулланувчи корхоналарнинг имкониятлари, ишончлилиги, муқобил таъминотчиларнинг мавжудлиги, бозорда ўриндош ресурслар мавжудлиги). • Меҳнат ресурслари: малакали кадрлар билан таъминлаш имкониятлари (малака даражаси, иш хаки, даражаси, жинси, ёши). • Маркетинг омили: маҳсулотга талаб ҳажми, талабнинг барқарорлиги, ташқи талаб (маҳсулотни экспорт қилиш, экспорт қилиш имкониятлари). • Давлат томонидан тартибга солиш омили: пул-кредит, бюджет- 	<ul style="list-style-type: none"> • Инфрагузилма элементлари мавжудлиги: газ, сув, электр энергияси, КСЗнинг магистрал транспорт йўлларига чиқиш йўллари мавжудлиги; • КСЗда жойлашган корхоналарнинг ўзаро иктисодий муносабатлари: КСЗ таркибидаги корхоналар ўртасидаги рақобат даражаси ва шу билан бирга, бошқа ташқи корхоналар билан бўладиган рақобат даражаси. • Кооперацион алоқалар: КСЗ таркибидаги корхоналар ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқалари, КСЗдан ташқаридаги корхоналар билан бўладиган ишлаб чиқариш бўйича алоқалар; корхоналарнинг инновацион фаоллигини билдирувчи инновацион алоқалар, корхоналарнинг илмий тадқиқот ва таълим муассасалари ўртасидаги инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва уларни тарқатиш билан боғлиқ алоқалар. • Ижтимоий омил: КСЗ да

¹⁴ Хорижий олимлар фикрларидан фойдаланган ҳолда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

солиқ, давлатнинг божхона, монополияга қарши сиёсати, ҳудудий иқтисодий сиёсати, давлат томонидан кичик бизнесни, иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ва йўналишларини қўллаб-қуватлаш даражаси, фаолият турларини лицензиялаш ва маҳсулотни сертификациялаш.

• Молиявий омил: молиявий ресурсларни жалб этиш имконияти, фойз ставкаси, молиявий лизинг хизматидан фойдаланиш имконияти, КСЗларни барпо этишда давлат-хусусий сектор шерикчилигидан фойдаланиш.

• Бозор омили: рақобатчи корхоналар мавжудлиги, рақобат муҳити, ўриндош товарлар мавжудлиги, суғурталаш хизмати.

• Технологик: юқори унумдорли, ривожланган хорижий давлатлар технологияларини олиш имконият-лари, хорижий корхоналар билан кўшма корхона тузиш имкониятла-ри, КСЗга хорижий инвестицияларини жалб этиш имкониятлари.

овқатланиш учун ошхона, дўкон, медицина хизмати, автомобиль турар жойи, почта хизмати.

• Ахборот омили: илғор, унумдор технологиялар, инновациялар тўғрисида ахборот олиш имконияти, патентлар бозоридан фойдаланиш бўйича ахборот, бозор конъюнктураси тўғрисида ахборот олиш, маҳсулот экспорти билан шуғулланувчи корхоналар тўғрисида, илмий тадқиқот ва малакали кадрлар тайёрловчи таълим муассасалари тўғрисида ахборот олиш имкониятлари.

• Инновацион омил: янги технологияларни яратиш имконияти, янги маҳсулотни ишлаб чиқариш (маҳсулот инновацияси); мавжуд технологияни янгилаш ва унинг самарадорлигини ошириш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш (жараён инновация).

Ушбу таклиф этилаётган омиллар таснифи КСЗларни барпо этиши ва ривожланишига таъсир этувчи барча омилларни ҳисобга олади (2-расм).

Омилларнинг таъсир кўрсатиши бўйича муҳимлиги нуктан назаридан қарасак, биз юқоридаги етакчи олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда инновация омилини биринчи ўринга қўямиз. *Инновацион омил* – бу корхоналарнинг истиқболда ривожланишини таъминловчи асосий, ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Инновация омилидан тўлақонли фойдаланиш катта маблағ билан боғлиқ бўлгани учун КСЗларда бу омилдан фойдаланиш жуда паст даражада дейиш мумкин. Ҳозирги кунда КСЗларни ривожлантириш, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш кўп жиҳатдан кичик бизнес субъектлари томонидан фойдаланилаётган технология, ускуна ва малакали кадрларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Янги, илғор хорижий давлатларда ишлаб чиқилган технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўйган кичик бизнес субъектлари барқарор фаолият юритишига эришиши мумкин. Шу сабабли КСЗларда фаолият юритувчи кичик бизнес субъектларининг олдида турган асосий тўсик, бу уларнинг даромади пастлиги, янги самарали хорижий технологияларни сотиб олиш имкониятлари, илмий тадқиқот ишларига инвестиция киритишнинг чекланганлигидир. Натижада зона катнашчиларининг кўпчилик қисми эскирган, ортикча харажат талаб этувчи ускуна ва технологиялардан фойдаланишига тўғри келмоқда. Бундай салбий ҳолатнинг олдини олиш учун КСЗ корхоналарини модернизация қилиш, эскирган асосий фондларни янги технология ва ускуналар билан алмаштириш зоналарнинг иқтисодий ривожланишини таъминловчи йўллардан бири бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Иктисодиёт вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, 2017 йил ҳолати бўйича қарасак, республика бўйича фаолият юритувчи КСЗлар сони 87 та бўлиб, уларда жами 588 та лойиҳа амалга оширилган. Бу лойиҳаларни амалга оширишга 376,3 млрд.сўм миллий валюта ва атиги 1,07 млн. АҚШ доллари сарфланган. Демак, бу амалга оширилган лойиҳаларда илғор хорижий технологиялардан паст даражада фойдаланилганидан дарак беради.

Лекин 2018 йилда амалга оширилувчи 556 лойиҳанинг жами қийматида миллий валютамиз 2218,4 млрд.сўмни ташкил этса, қолган қисми АҚШ пулида 69,72 млн.долларни ташкил этмоқда. Бу жами лойиҳаларнинг технологик таркиби ижобий томонга ўзгарганлигидан далолат беради, яъни кичик бизнес субъектларининг ўз лойиҳаларида кўпроқ илғор технологиялардан фойдаланишга эътибори ортиб бораётганлигини билдиради.

КСЗнинг ички тизимини ташкил этувчи омишларга рақобатлашув алоқалари, кооперацион алоқалар, молиявий ва ахборот омишларини киритиш мумкин.

КСЗлар ривожланишига энг кучли таъсир этувчи омишлар сифатида янги технология ва инновация омишлари, ахборот, молиявий ва юқори малакали кадрлар билан таъминлаш омишларини ўрганиш мумкин. Бу ерда, янги технология омиш деганда, ривожланган хорижий давлатларда фойдаланилаётган замонавий технологиялардан фойдаланиш тушунилади.

Агар корхона бирор инновацион фаолият билан шуғулланса, уни инновацион фаол корхона дейиш мумкин. Умуман, инновацион фаол корхона деганда, корхонанинг фаолияти соҳаларидан бири ишлаб чиқаришга янги самарали технологиялар, ускуналарнинг янги моделини жалб этиш, келажакда барқарор талабга эга янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этувчи корхона тушунилади. Шумпетернинг фикрига кўра, инновация – ўзгаришлар бўлиб, унинг мақсади янги турдаги истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, янги ишлаб чиқариш ва транспорт воситалари, бозорлар, саноатда янги ишлаб чиқариш шакллари ишлаб чиқаришга жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳисобланади. Инновация, нафакат ўзгаришлар ҳисобланади, балки у янгиланишлар кўринишида ҳам содир бўлади.